



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 20-avgust, shanba № 67 (8924)

Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligi oldidan



Тараққиёт босқичлари ижодкорлар нигоҳида

Аънавий ўтказиб келинаётган “Энг улуг, энг азиз” республика кўрик-танлови Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларнинг моҳиятини оддий, ҳаётий мисолларда очиб бериш, фаол ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мус- тақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш

тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу йилги танловга тақдим этилган ишларда “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган эзгу гоя ўз аксини топган.

(Давоми 3-бетда.)

Болалар ҳуқуқлари муҳофазада

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий стратегия лойиҳасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

2016-yil — Sog'lom ona va bola yili

Европа Иттифоқи ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси доирасидаги ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, марказлар, олий таълим масканларининг вакиллари, педагоглар, ҳуқуқшунослар, экспертлар иштирок этди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Х.Зириллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кучли ижтимоий ғимоя тамойилига таяниши, ҳар бир фарзанднинг таълим олиши, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаши, қизиқиши ва лаёқатига мос касб-хунар эгаллашига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

Jarayon

Янги ўқув йилига санокли кунлар қолди. Ёзги таътилда мароқли дам олган ўғил-қизлар жонажон мактабига боришни интиқлик билан кутмоқда. Уларнинг ҳис-ҳаяжони ота-оналарнинг ҳам кайфиятига кўчган.



Сифатли ва ҳамёнбоп ўқув қуроллари

барча ота-оналарни бирдек мамнун этмоқда

Зеро, аини пайтда юртдошларимизнинг аксарияти янги ўқув йили олдида фарзанди учун сифатли, бежирим кийим-кечак, зарур ўқув қуролларини харид қилишдек ширин ташвиш билан банд. Бу борада мактаб ярмарка-

лари аҳолига сезиларли даражада қулайлик яратмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида ташкил этилган бундай ярмаркалар орқали минглаб ота-оналарнинг мушуқли осон бўлаётир.

(Давоми 6-бетда.)

Соғлом бола буюк ишларга қодир!

Ҳавода муаллақ парвоз қиладиган митти ракета модели, ўзию-рар, уй юмушларини бажарувчи беминнат дастёр-қурилма, тунда шовқиндан ҳам огоҳлантирувчи «сигнал-кўриқчи», уч тилда кўшиқ айтиб, рақсга тушадиган капалак ва лайлақлар, ош-хона ишларида беминнат дастёр пазанда-роботни кўрганмисиз? Ранги ўзгарувчан фавворали чаманзорни-чи? Уларни юртимиздаги «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрарак аъзолари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари яратгани хайратланарли.

«Баркамол авлод» республика болалар бадиий

ижодиёт марказида «Соғлом бола буюк ишларга қодир!» шиори остида ўтказилган «Йилнинг энг ёш иxtирочиси» кўрик-танловининг якуний босқичида ана шундай ажойибу фаройиб иxtироларга гувоҳ бўлдик.

(Давоми 2-бетда.)



Болалар ҳуқуқлари муҳофазада

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таълим, бола ҳуқуқларининг кафолатларига оид миллий қонунчилик миллати, ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъий назар, барча болаларнинг тўлақонли таълим олиши учун тенг ҳуқуқий замин яратмоқда. Физиологик имконияти турлича бўлган болаларнинг умумтаълим мактабида биргаликда таҳсил олишини назарда тутувчи инклюзив таълим алоҳида эҳтиёжли ўғил-қизларнинг жамиятга фаол интеграциялашувида, уларда ўзига бўлган ишонч, ирода ва қатъиятни мустаҳкамлашда, ёш авлодда бағрикенглик, меҳр-мурувват туйғулари янада кучайтиришда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инклюзив таълимга оид бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ҳамкорлигидаги «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси 2014 йилдан бошланган. 2016 йилнинг сентябрь ойига қадар мўлжалланган мазкур лойиҳа доирасида 15 мактаб ва 15 мактабгача таълим муассасасига алоҳида эҳтиёжли болалар кенг жалб этилди. Педагог ходимлар, тиббий-педагогика ва психологик комиссияларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг масъулияти, касб малакаси оширилди. Юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият бошлаган ресурс марказлари алоҳида эҳтиёжли болалар, уларнинг ота-оналарига, оилалар, инклюзив таълимга дахлдор мутахассисларга зарур маслаҳатлар бермоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг изчил, тизимли, ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда, ижтимоий шериклик асосида олиб борилиши тиббий имконияти ҳар хил бўлган болаларни умумий таълимга кенгроқ жалб этиш, ўқувчилар, педагоглар, маҳалла, кенг жамоатчилиқнинг ижтимоий инклюзияга оид хабардорлигини янада оширишнинг муҳим омилдир.

— Ўзбекистондаги инклюзив таълим бу соҳадаги халқаро андозаларни ўзида тўлиқ уйғунлаштирган билан бирга, барча учун тенг, очиқ ва бир хил шароитларнинг яратилгани, инсонпарварлиги билан диққатга сазовор, — дейди «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси раҳбари Стефания Алишаускиене. — Бу йўналишда узоқ муддатли миллий стратегиянинг қабул қилиниши қонунчилик, инклюзив таълим амалиётини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар бўйича фикр алмашилди.

Н.УСМОНОВА,
УзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўқувчи-ёшларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш, қизиқишини рағбатлантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидорини аниқлаб, қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 28 нафар ўқувчи «Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш» (автомодел, авиомодел, ракетамодел, кемасозлик) ва «Ёш конструктор ва ихтиро-



бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди. Қўқон шаҳридаги 33-мактаб ўқувчиси Исроилжон Носиров иккинчи, Оққўрғон туманидаги 11-мактаб ўқувчиси Салоҳиддин Қосимов учинчи ўринни банд этди. «Робототехника ва электрон ўйинчоқлар» йўналиши бўйича 1-ўринни Жиззах шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Отабек Мўминов эгаллади. Нукус шаҳридаги 18-мактаб ўқувчиси Озода Убайдуллаева ҳамда Самарқанд шаҳридаги 33-мактаб ўқувчиси Ҳасан Акбаровга ик-

Соғлом бола буюк ишларга қодир!

чи» (робототехника ва электрон ўйинчоқлар) йўналишидаги макет ва моделлар бўйича ихтиро ва ишланмалари билан иштирок этди. Танлов аввалида марказ фойесида ўқувчиларнинг ижодий ишларидан иборат кўргазма намойиш этилди.

— Икки ой давомида тоғозим Гулиноз Рўзиеванинг кўрсатмалари асосида тайёрлаган тезорар аэроглицер ва елканли кема билан танловда иштирок этдим, — дейди Бухоро туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Рустам Авазов. — Қаттиқ қоғоз, гилдирак, металл ва елим идиш каби материаллардан ясалган қурилмалардан ёруғлик манбаи, вентилятор сифатида фойдаланиш мумкин.

— Танловга тақдим этилган ҳар бир ижодий ишни баҳолашда лойиҳанинг ғояси, чизмалари ва тавсифи, ихтиронинг ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатлари, дизайни, ҳажми, техник талабларга жавоб бериши каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди ҳакамлар хайъати аъзоси, Тошкент давлат техника университети проффессори Раҳимжон Умрзоқов. — Ёш ихтирочиларнинг



кўпфункционали, экологик хавфсиз, саноат, фан, таълим, қишлоқ хўжалиги, электроника, туризм, ишлаб чиқариш ва сервис каби соҳаларга татбиқ этишга арзиғулик ишланмалари, инновацион ғоялари орасидан энг сараларини аниқлаш осон кечмади.

Яқуний натижаларига кўра, Жиззах шаҳридаги 12-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Улугбек Абдувалиев танловнинг «Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш» йўналиши

кинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Танлов иштирокчилари орасидан «Энг ёш ихтирочи», «Энг ёш лойиҳа муаллифи», «Энг чиройли дизайн муаллифи», «Энг чиройли макет муаллифи» номинациялари ғолиблари ҳам аниқланди.

Ғолибларга Халқ таълими вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири,

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

Ҳавасга муносиб мактаб

Ниҳол серҳосил дарахт бўлиб бўй чўзиши учун офтоб нуридан баҳра олиши, тоза сув ва ҳавога тўйиниши зарур. Инчунун, фарзандларимизга болалиқда кўрсатилган меҳру мурувват, эътибор ва ғамхўрлик келажақда уларнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади.



Шу маънода, юртимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий таълим масканларида яратилаётган қулай шарт-шароит ўғил-қизларнинг чуқур билим олишига хизмат қилаётир. Жумладан, Чироқчи туманидаги 39-мактаб мисолида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Ўтган йили таълим муассасасида 1 миллиард 461 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 2015-2016 ўқув йили арафасида ўқувчилар ихтиёрига топширилган эди. Бу йил ҳам мактаб жамоаси янги ўқув йилини кўтаринки руҳда кутиб олишга ҳозирлик кўрди. Жумладан, 19та синфхона, лаборатория ва информатика хоналари, ошхона ҳамда 12х24 ҳажмли спорт зали шай ҳолатга келтирилди.

— Янги ўқув йилини юқори са-

вияда бошлаш учун ўқув муассасамизда барча имкониятлар етарли. Ўқув-лаборатория ҳамда компьютер хоналари зарур ускуналар билан таъминланган, — дейди мактаб директори Лутфулла Пулатов. — Педагогик жамоамиз ушбу қулайликлардан унумли фойдаланиб, 2016-2017 ўқув йилида таълим-тарбия сифати ва самардорлигини оширишга астойдил бел боғлаган.

Обод уйга файз-барақа киради, дейди халқимиз. Турли мевали ва манзарали дарахтлар билан қундан кун кўркамлашаётган мактабга қараб, уларда билим оладиган ўқувчиларга ҳавасинг келади.

Шоира БОЙМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)

Тараққиёт босқичлари ижодкорлар нигоҳида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган "Энг улуг, энг азиз" танловининг жорий йилги ғолибларини тақдирлаш маросимида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат номояндalарини маънавият тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Журналистлар ижодий уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари У.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорлар-

нинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, иқтидорини тўла намойён этиши, одамлар қалбига етиб боровчи, уларнинг тафаккурини бойитувчи юксак бадиий асарлар яратиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ташкилий чора-тадбирлар, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг мустақил бўлишини таъминламоқда.

Миллий адабиёт, маданият ва санъатимизни равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш йўлида кўрсатилган чексиз эътибор ва ғамхўрлик халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, истиқлол йилларида маънавий-маърифий жаҳаларда эриш-

ган ютуқларимизни жаҳонга намойён этишдек эзгу мақсадларга эҳтишат қилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловига тақдим этилган ижодий ишларда бу яққол ифодасини топган.

Танловнинг мамлакат босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича 390 га яқин ижодкордан 4

минг иш қабул қилинди. Тақдим этилган асарларни баҳолашда уларда мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги айди ёми шукухи, ўтган давр мобайнида шахар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётгани, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлохларнинг моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётӣ, таъсирчан, содда ва айна дамда самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, матонати туфайли қўлга киритилган, бутун дунёда эътироф этилаётган улкан ютуқлардан ҳар қайсимииз фахр-

ланиб, бошимизни банд кўтариб яшашга ҳақлимиз, — дейди танлов ғолиби, "Урганч ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири Сотимбой Аvezов. — Бундай муваффақиятларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлохларга ўз ҳиссамизни қўшиб яшаш — буларнинг ҳаммасини тараннум этиш биз, ижодкорларнинг асосий вазифамиз, фуқаролик бурчимиздир.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўза мухбири

«Энг улуг, энг азиз»

республика кўрик-танловининг ғолиблари ва рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари

Ёзувчи ва шoirларнинг бадиий асарлари бўйича

1-ўрин

Абдуҷамид Азимов, шoir — "Ошиқ дилим", "Умид беланчаги" шеърини тўпламлари учун

2-ўрин

Шойим Бўтаев, ёзувчи — "Орфей илтижоси халоскори" эссеси учун

3-ўрин

Зулфия Юнусова, адиба — "Бахт тилсими" ҳикоялар тўплами учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

Абдурауф Сувонов (Рауф Субҳон) шoir — "Инонч" (шеърлар, дoston, манзумалар) тўплами учун

Ғайрат Маждидов, шoir — "Оқсулуга айланар юрак" шеърини тўплами учун

Алланазар Абдиев, "Маденият ҳам спорт" газетаси бош муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси); — "Истеъдодли ёшлар" китоби учун

Гулмира Палванова, "Маденият ҳам спорт" газетаси муҳбири (Қорақалпоғистон Республикаси)

Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари бўйича

1-ўрин

Сотимбой Аvezов, — "Урганч ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири — Юртдошларимиз онг-шууридаги янгилашлар ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги юксалиш ва ўзгаришлар, халқимизнинг турмуш фаровонлиги охиб бораётгани ҳақидаги туркум мақолалари учун

2-ўрин

Нодира Манзурова, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўза халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари — Халқимиз қўлга киритаётган ютуқ ва марралар, юксак натижаларни дунё ҳамжамиятига етказиш борасидаги ижодий фаоллиги учун

3-ўрин

Елена Исмаева, "Правда Востока" газетаси муҳбири — Мамлакатимизда миллатлар, динлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжihatлик, толерантликни мустаҳкамлашга қаратилган материаллари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

Хуршид Пайзиев, "Халқ иродаси" газетаси бош муҳаррири, (Халқ демократик партияси Наманган вилояти кенгаши муассислигида нашр этилди) — Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, ёшларимизнинг маънавий оламини бойитиш, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришга қаратилган чиқишлари учун

Михил Сафаров, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририяти ("Постда" ва "На посту" газеталари) муҳбири — Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, истиқлол йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида эришилган ютуқлар, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасидаги амалий ишлар кенг ёритилган, одам савдоси, гиёҳвандлик каби жиноят ва зарарли иллатларнинг олдини олишга қаратилган тахлилий мақолалари учун

Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

1-ўрин

Шухрат Ҳайитов, "O'zbekiston" телерадиоканали "Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар" муҳарририяти бош муҳаррири — Ватанга муҳаббат ва садоқат, тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналик туйғусини кучайтиришга қаратилган "Зиёлилар", "Биз учун муҳим", "Таълим: кеча ва бугун", "Баркамол авлод", "Обод шаҳрим" каби кўрсатувлари учун

2-ўрин

Худойберди Каримов, Жиззах вилояти телерадиокомпанияси бўлим бошлиғи (вилоят радиоси) — Вилоятда амалга оширилаётган янгилашлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига бағишланган "Озод юртининг обод гўшаси" туркумидаги эшиттиришлари учун

3-ўрин

Абдулла Ражабов, "Истиқлол-ТВ" телевидениеси муҳбири (Бухоро) — Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётгани, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончи, бар-

ча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти чуқур ёритилган "Ким эдигу ким бўлди?", "Тинчлигимиз абадий бўлсин!", "Энг улуг, энг азиз байрам" номли туркум кўрсатувлари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

Наргис Собирова, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот маркази муҳбири — "Ўзбекистон ОНЛАЙН" инфорацион дастурида эфирга узатилган Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тарихий йўли, Ўзбекистоннинг тараққиёти ҳаётӣ мисол ва далиллар воситасида кўрсатилган "Мустақиллик одимлари" туркум лавҳалари учун

Гўзал Солиева, "Dunyo bo'ylab" телеканали "Болалар ва ўсмирлар дастурлари" муҳарририяти муҳаррири — Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини юксалтириш, ёшларни туризмга бўлган қизиқлиларини кучайтиришга қаратилган "Тамаддун тимсоли" туркумидаги кўрсатувлари учун

Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича

1-ўрин

Рашид Аҳмедов, Навоий вилояти "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси дизайнери — Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқимиз қўлга киритаётган ютуқлар, "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!" мавзусидаги туркум дизайн лойиҳалари учун

2-ўрин

Султонбой Дехқонов, эркин фоторассом (Тошкент вилояти) — "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳар томонлама акс эттирилган фотолавҳалари учун

3-ўрин

Аслиддин Калонов, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, график рассом — Президентимиз Ислам Каримовнинг "Она юртимиз бахту

иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобида тилга олинган муҳим бунёдкорлик ишлари, юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги охиб бораётганини акс эттирувчи туркум график асарлари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

Рўзихон Жалилова, Фарғона давлат университети доценти, рангтасвирчи — Турли соҳаларда ўзини кўрсатган меҳнат илгорлари — бугунги кун қаҳрамонларининг сиймоси ва ички дунёси акс эттирилган ижодий ишлари учун

Ҳасан Пайдоев, "Халқ сўзи" газетаси фотомуҳбири — Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари акс этган фоторепортажлари учун

Кино санъати асарлари бўйича

1-ўрин

Адҳам Усмонов, "Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси режиссёри — "Оҳанларда яшайман ҳамон" ҳужжатли фильмдаги режиссёрлик иши учун

2-ўрин

Иззатилла Лутфуллаев, кинооператор — "Зумраша" болалар юмористик киножурналининг 2016 йил 1-2-сонларидаги операторлик иши учун

3-ўрин

Акmal Саидов, кино-рассом — "Барон" ҳамда "Ойқиз эртаги" бадиий фильмларидаги рассомлик иши учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

Адиз Ражабов, киноактёр — "Усюртга йўл" бадиий фильмдаги бош роль ижроси учун (давлат буюртмасига асосан "Қорақалпоқфильм" киностудияси томонидан суратга олинган) **Фурқат Ҳасанов**, «Ўзбекфильм» киностудияси овоз режиссёри — "Хазонрезги", "Ойқиз эртаги" ва "Новда" ("Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган) бадиий фильмларидаги овоз режиссёрлиги иши учун

Yangiliklarda yurt nafasi



Andijon shahrida ёш oilalar uchun барпо этилган "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Андижон вилоятида ҳам кўп қаватли "Камолот" уйлари қурилиб, ижтимоий фаол ёш oilalarga имтиёзли кредит эвазига, бошланг'ич бадалсиз берилмоқда. Бу вазибаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашадиган ёш oilalarni уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мумкин омил бўлаётди.

Уч қаватли, 90 хонадондан иборат икки, уч ва тўрт хонали уйда ёш oilalalar uchun барча қўлайликлар яратилган.

— Замоनावий уйга кўчиб ўтганимиздан ота-оналаримиз ҳам, яқинларимиз ҳам жуда хурсанд, — дейди янги уй соҳиби, "Юрт келажиги" республика кўрик-танловиги ғолиби Азизбек Узоқов. — Бу уй oilamizga омад келтиради. Ёшларнинг эъозлайдиган шундай юрт фарзанди эканимдан фахрланаман. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини янги уйда янги орзулар билан нишонлаймиз.

Наманган вилоятида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" широри остида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрамга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ташкил этилган тадбирда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида самарали меҳнат қилаётган касаба уюшма ташкилотлари аъзолари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда бир гуруҳ хотин-кизларга замоनावий маънавий техника воситалари, меҳнат фахрийларига санаторийларга йўланмалар топширилди, иқтидорли талабалар эса касаба уюшмалари стипендияси сертификати билан рағбатлантирилди.

Санъаткорлар ижросидаги концерт иштирокчиларга байрамона кайфият бағишлади.

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Озод юрт тўлқинлари" IX медиа-фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Фестивалда жамоат телерадиостанциялари жамоалари ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашди. Ижодий лойиҳага тақдим этилган ишлар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энг яхши телерадио-маҳсулот», «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини ёритишга қаратилган «Энг яхши медиа-лоиҳа», «Энг намунали телестанция», «Энг намунали радиостанция» каби номинациялар бўйича аниқланди.

Ҳақамлар ҳайъати томонидан онлайн овоз бериш йўли билан турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга фестиваль статуеткаси, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" широри остида ўтказилаётган тиббий-ижтимоий акция Фарғона вилоятида ҳам юксак саъияда ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирилик ташаббуси билан ташкил этилаётган акцияда пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва малакали шифокорлари аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, тўғри ташхис асосида беморларга зарур тавсиялар бермоқда.

Ўзбекистон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида мазкур ҳудуд ва Фурқат, Бешарик туманлари аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўриқка келиш имконияти бўлмаган фахрийлар, беморлар уйларига борилиб, улар саломатлигидан хабар олинди.

— Тиббий-ижтимоий акцияда мен ва фарзандларим тиббий кўриқдан ўтиб, тажрибали шифокорлардан зарур маслаҳатлар олдик, — дейди Ўзбекистон тумани Жонобод қишлоғида яшовчи Гулнора Алиева. — Бу oilamiz саломатлигини назорат қилиб боришда мумкин аҳамият касб этади.

Акция доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли хасталикларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тарғибот-тушунириш ишлари олиб борилмоқда.

ЎЗА ВА МАКСУС МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Нафис ва лобар қизлар анжумани

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик тантаналари арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Ёшлар ижод саройи"да Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг аънавий республика анжуманини ўтказди.

Тадбирда илмий-ижодий изланишларини давом эттираётган совриндорлар жамланиб, "Сени улуглайман, Она Ватаним!" мавзусида мушоара ўтказилди.

Зулфияхоним қизларининг шижоати, эришадиган ютуқлари, мукофотга муносиблигини оқлаётгани, Ватанимиз, халқимизга муносиб фарзанд эканликларини кўриб, номзодлар орасида тўғри танлов ўтказилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бугун мукофот соҳибалари орасидан

бир неча санъаткорлар, турли давлат стипендиялари соҳибалари, депутатлар, ёш олималар, фан номзодлари, спорт усталари, халқаро олимпиадалар совриндорлари етишиб чиқаётгани барчамизни гурурантилади. Келгусида бундан-да юқори марраларни забт этишда қизларимизнинг ғайрати, шижоати сира пайсаймайди.

Анжуманда санъаткорлар, эл ардоғидаги хонандалар, бастакор ҳамда опера ижрочилари меҳмонларни истиклол айёми билан қўллаб, муסיқий табрик тўхфа этдилар. Тадбир якунида фаол иштирокчилар, ташкилотчилар Хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Чарос НИЗОМИДИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ҳоким билан учрашув

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 майдаги 07/08-18-сонли топшириғи ҳамда 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида Миробод тумани ҳокими ОАВ ходимлари билан матбуот анжумани ўтказди.

Миробод тумани сановат ва ишлаб чиқариш анча ривожланган ҳудудлар сирасига кирди. Туманда йирик корхоналар сони 11тани, жами рўйхатга олинган юридик шахслар 5000, шундан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 3858, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 555тани ташкил этади. 2016 йилнинг биринчи ярмида сановат маҳсулотлари бўйича 669,9 млрд

сўм (ўсиш суръати 117,5 фоиз), халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 244,5 млрд сўм (ўсиш суръати 118,3 фоиз)га етди.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллик ўйини муносиб ўтказиш учун туманимизда бир қанча қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган дастурда 19та йўналиш тан-

лаб олиниб, бунинг учун мавжуд 16та тижорат банки томонидан 5,236 млрд сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Кўп қаватли уйларнинг 13725 кв.м. том қисми мукаммал ва 12149 кв.м. жорий таъмирдан чиқарилди, 209та ертўла тартибга келтирилди, 399та кириш йўлга созланди, 12та кириш йўлагига темир эшик ўрнатилди. 74та лифт жорий таъмирланиб, ирригация тармоқларидан фойдаланиш ҳолати яхшиланди. 66та болалар майдончасида энди кичкинтойларимиз яйраб ўйнаши мумкин, — деди туман ҳокими Шарофиддин Қодиров.

АСОЛАТ АҲМАДҚУЛОВА

Илғор тажрибалар оммалашади

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим муассасаларида 6577та бошланг'ич синф мавжуд бўлиб, янги ўқув йилида 1—4-синфларнинг 18591 нафар ўқувчиси 8461 нафар ўқитувчидан билим олади.

"Бошланг'ич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусидаги форумда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишдаги мумкин масалалар муҳокама этилди.

— Анжуман қатнашчилари "Бошланг'ич таълим жараёнига янги авлод дарслик мажмуа-

лари ва замоनावий ахборот технологияларини жорий этиш: муаммо ва ечимлар", "Бошланг'ич таълимда чет тилларни ўқитишнинг инновацион технологиялари" ва "Баркамол авлоднинг маънавий етуқ қилиб тарбиялашда бошланг'ич таълимнинг ўрни" мавзусидаги шўба йиғилишларида билим ва малакаларини мустаҳкамлаб олди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методисти Муаззамхон Файзибоева. — Анжуманнинг амалий руҳда ташкил этилгани, тренер ўқитувчилар тақлиф этган илғор тажрибалар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ганишер АКБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Жажжи Зумрадойлар беллашуви

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган «Зумрадойлар даврасида» тўғараклари аъзолари ўртасида «Жажжи Зумрадойлар» танлови ўтказилди.

«Обод юртнинг бахтли қизиман» широри остида ўтказилган танловнинг илк босқичи тумандаги МТМлар ўртасида ҳудудларда ташкил этилди. Худудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган 509-, 182-, 449-, 168-, 181-

ва 28-МТМлари жамоалари навбатдаги босқичда 4та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Дастлаб тақдимот шартлари жамоалар ўзларини таништириш билан бирга «Одоб саломдан бошланади» мавзусида слайдди тақдимот ҳам на-

моийш этдилар. Иккинчи шартда одоб-ахлоқ, инсоний фазилатларга бағишланган саҳна кўриниши ижро этилган бўлса, «Жажжи пазанда» шартда қизалоқлар пазандалик маҳоратини синовдан ўтказдилар. Саҳна чиқишлари учун «Ота-онага ҳурмат», «Бизнинг оила», «Бобо-бувилар ўғити», «Тозалик бу — саломатлик», «Тежамкорлик яхши одат» каби мавзулар танлангани боғчаларда «Зумрадойлар даврасида» тўғаракларида болаларга бу йўналишда кенг тушуналар бериб борилаётганидан дарак беради.

Ҳақамлар ҳайъати хулосасига кўра, «Туманинг жажжи Зумрадойи» ҳамда «Жажжи ширинои», «Жажжи гўзалой», «Жажжи истеъдод» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди ва тадбир ташкилотчилари томонидан рағбатлантирилди.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



Таътил бошида Булунгур туманидаги 22-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Абдулла Маматқулов ҳудуддаги мактабларнинг иқтидорли, математика фанига қизиқиши юқори бўлган ўқувчилари учун "Кичик математиклар академияси" ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Ўғил-қизларнинг аниқ фанларни ўрганишга иштиёқини янада ошириш, энг иқтидорлиларни аниқлашни мақсад қилган бу эзгу тақлиф туман ХТМФМТТЭБ томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Зеро, "кичик академия" машғулотларини қизиқарли ўйинлар асосида ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, болаларнинг таътилини мароқли ўтказишга сира ҳалал бермас эди. Хушxabарни эшитган туманидаги ўқувчилар тўғраракка аъзо бўлишга ошиқди. Натижада ҳудуддаги 68та мактабларнинг 5—9-синф ўқувчилари тажрибали устознинг машғулотларига қатнай бошлади.

— Инха университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида математика фани бўйича ўтказилган фестивалда тажрибамни бойитиб қайтач, ўқувчиларга тўғарак машғулотлари ўтишга бўлган иштиёқини янада ошди, — дейди Абдулла Маматқулов. — Ўрганганларимиз ўқувчилар билимини оширишга татбиқ этишни уйладим. Бирок, ўқув йили тугаётган эди. Шундай бўлса-да, ёзги таътилда ҳам болаларни математика фанига ошно қилишни кўзлаб, "Кичик математиклар академияси" ташкил этдик. Билимини ошираман, деб ўқув йили давомида ақлан ва жисмонан толиққан ўқувчиларни янада холдан тойдиринг ҳеч гапмас. Шу боис машғулотларни ўйин асосида қизиқарли, мақсадни асосан иқтидорлиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашишга қаратдик.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мактаб ўқувчиларини халқаро олимпиадага тайёрлаш бўйича ўқув курсини тамомлаган, ўзига хос дарс ўтиш услубини ишлаб чиққан, математика фанини тез ва осон тушунишга ўргатадиган 20дан

публика олимпиадасида 2-ўринни эгаллади. Изланувчан ўқувчилардан яна бири, 22-мактаб ўқувчиси Хужаёр Мамаражобов билимлар беллашувининг вилоят босқичида 100 балл тўплаб, 1-ўрин соҳиби бўлди.

— "Кичик математиклар академияси"нинг қизиқарли машғулотлари менга завқ бағишлади. Таътилдаги бўш вақтим унумли ўтганидан ота-онам ҳам хурсанд, — дейди Булунгур туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Гулчехрабун Мўминова. — Тўғарак машғулотлари орқали математика фанининг жозибаси ва сирасорларини ўзимга янгида кашф этдим. Фанга оид ай-

лаларнинг ўзлаштириши мунтазам мониторинг қилиб борилди. Чунки самарасиз ёки ақлий зўриқтирадиган машғулотлар билан таътилдаги ўқувчиларнинг вақтини беҳуда ўтказиш ҳеч гап эмас, — дейди 22-мактаб директори Зоҳида Ортиқова. — Бирок, умид қилганимиздек, машғулотларда билимга чанқоқ ўқувчиларнинг мураккаб мавзуларни қисқа мuddатда ўзлаштириши, мантиқий мисол ва масалаларни энг оптимал усулларда ечиши кuzатилди. Янги ўқув йилида она тили, чет тили, кимё, биология фанларидан ҳам шундай "кичик академия"лар ташкил этиш, иқтидорли ўқувчи-

Tashabbus

шаббус қўллаб-қувватланмасди. Бунинг устига, дарсликлар ҳам мукамал бўлмай, бўшлиқларга тўла эди. Синфхоналардаги камчиликлар, зарур ўқитиш воситаларининг йўқлиги ўқувчиларнинг пухта ўзлаштиришига катта тўсиқ эди. Бугун эса юртимизда интиланган кам бўлмапти. Астойдил меҳнат қилганни давлатимиз муносиб рағбатлантирмоқда, — дейди тажрибали педагог. — Ўғил-қизларимизнинг барча соҳалар бўйича илгорлашиб бораётгани жаҳонда эътироф этилаётгани ҳавасимизни келтиради. Фарзандларимизнинг ёниқ кўзларига, тиниқ фикрлашига қараб, мустақилликнинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қилаёلمиз. Педагог сифатида мен ўқувчиларнинг шижоатидан куч оламан. Мактабимиз замонавий таъмирланиб, янги ўқув жиҳозлари билан таъминланган "кичик академия" фаолиятининг самарадорлигини оширди. 16 та компьютер, интерактив доска ёрдамида ўқувчилар муайян билимга эга бўлди.

Юртимизда Абдулла Маматқулов сингари замон билан ҳамнафас, ҳамқадам одимлашга интиладиган, янгиликка иштиёқли баланд ўқитувчиларни қўллаб уchrатиш мумкин. Уларнинг ташаббуси туфайли таълим сифати ва самарадорлигида сезиларли силжишлар кузатилаётгани ҳам айна ҳақиқат. Зеро, таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган эътибор бугунги кун педагогидан изланувчанликни, эришган муваффақиятлари билан чекланмай, янги-янги марраларни забт этишни талаб қилади.

**Файратжон ҚОРАБЕКОВ,
Булунгур туманидаги
11-мактаб ўқитувчиси**

Иқтидорли ўқувчилар

"Кичик математиклар академияси"да таътилни янада мароқли ўтказди

ортиқ математик жадвалларни тузиб чиққан тажрибали ўқитувчи айна ташаббуси самара беришига катта умид боғлаган эди.

Шу йил "Кичик математиклар академияси" аъзоси, 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Сардор Саидқулов Шимолий Кавказ минтақавий университетидан онлайн тарзда ўтказилган фанлар олимпиадасининг математика-информатика фани йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади. Халқаро олимпиада ташкилотчилари Сардор Саидқулов билимини юқори баҳолаб, 1-даражали диплом билан тақдирлади. Иқтидорли ўқувчи Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида онлайн тарзда ташкил этилган "Форум Ломоносов — 2016"да математика ва информатика йўналиши бўйича ўтказилган рес-

рим мураккаб тушунчаларни қисқа мuddатда пухта ўзлаштирдим. Айниқса, тажрибали тренер ўқитувчиларнинг ўтказган савол-жавоблари билимимизни мустақамлашга хизмат қилди.

"Кичик математиклар академияси" аъзоларининг ўзлаштириши туман ХТМФМТТЭБ томонидан ҳам назорат қилинди. Синовларда юқори натижага эришган ўқувчилар ва фарзандининг ўқишига алоҳида эътибор қаратган ота-оналарни тақдирлаш учун туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган сарҳисоб тадбирида тумандаги илгор ўқитувчилар тажрибасидан фойдаланиб, бошқа фанлар бўйича ҳам "Кичик академия"лар фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

— Жараён давомида "кичик академия" фаолияти, бо-

ларни бирлаштиришни мақсад қилаёلمиз. Бунинг учун мактабимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Халқимизда "Бир киши қазиган ариқдан минг киши сув ичади" деган нақл бор. Шу маънода, тажрибали педагог Абдулла Маматқуловнинг ташаббуси ҳудуддаги иқтидорли ёшларнинг билим ва кўникмасини янада ошириш билан бирга, бошқа ўқитувчиларни ҳам изланишга, янги-янги тақлифлар билан чиқишга ундади.

— Яхши эсимда, мустақилликдан аввал ҳам ҳозиргидан кам дарс бермаганмиз, бирок болаларимизда мантикий фикрлаш, мисол ва масалаларни ечишда тезлик, ўзига ишонч етишмас эди. Педагоглар дарсга шунчаки жараён сифатида қарар, фақат дарсликдан фойдаланар эди. Чунки талаб шундай бўлиб, та-

Сифатли ва ҳамёнбоп ўқув қуроллари барча ота-оналарни бирдек мамнун этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, пойтахтимиздаги 254-мактаб қошидаги мактаб бозори ҳам ота-оналар ва ўқувчилар билан гавжум. "Китоб олами" масъулияти чекланган жамияти томонидан сотувга чиқарилган ўқув қуроллари сифати, фойдаланишга қулайлиги билан ўқувчи ва ота-оналарга маъқул келаяпти. Айниқса, муқоваларида буюк алломалар, истиклол йилларида юртимизда бунёд этилган тарихий обидалар тасвири туширилган умумий ва кундалик дафтарлар болаларнинг миллий руҳда камол топишига хисса қўшади.

Бухоро вилоятидаги мактаб ярмаркаларида ҳам жараён қизгин давом этмоқда.

— Айни пайтда вилоятимиздаги 70та умумтаълим мактаби ва 56та аҳоли гавжум бозор ҳамда савдо шохобчаларида мактаб ярмаркаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди Бухоро вилояти халқ таълими бўлими етакчи мутахассиси Жамшид Мирзаев. — Ушбу савдо ярмаркалари 352 та умумтаълим муассасасида таълим олаётган 106812 нафар ўқувчиларнинг ўқув қуроллари, кийим-кечак ва пойабзалга бўлган эътиёжини таъминлаш имкониятига эга.

Масъул ташкилотлар томонидан мактаб бозорларида сифатли хизмат кўрсатилиши мунтазам назорат қилинмоқда. Энг асосийси, савдо шохобчаларида ўқувчиларнинг ёши ва миллий менталитетимизга мос маҳсулотлар сотилаётганидан ота-оналар миннатдор.

Бухоро шаҳри марказидаги "Дилқушо" бозори қошида

машкил этилган мактаб ярмаркасида бўлганимизда харидорларга сифатли хизмат кўрсатилаётганини кuzатдик. Юз фодаларига қараб, харидорларнинг мамнунлигини сезиш қийин эмас.

— Авваллари янги ўқув йили арафасида сифатли ўқув қуролларини излаб кун бўйи бозор айланишимизга тўғри келарди, — дейди бухоролик Саломат Турובהва.

— Мактаб ярмаркалари ташкил этилгандан буён мушкулларимиз осон ҳал бўлди. Энди керакли барча маҳсулотларни бир жойинг ўзидан харид қилиш имконига эгаимиз.

Самарқанд шаҳридаги мактаб ярмаркаларида ҳам 26 турдаги ўқув қуроллари ва кийим-кечак сотуви йўлга қўйилган бўлиб, харидорнинг маҳсулотларнинг асарияти юртимизда ишлаб чиқарилгани алоҳида эътиборга молик.

"Мотрид" маҳалласида истиқомат қилувчи Лола Раҳмонованинг уч нафар фарзанди мактабда ўқийди. Шу боис бу йил у янги ўқув йилига болалари билан баб-баравар тайёргарлик кўрмоқда.

— Ҳозир фарзандининг эртанги кунини учун қайғурадиган ҳар бир ота-она учун муҳим палла, — дейди Лола Раҳмонова. — Бугун биз боламизга

берадиган меҳр, эътибор келажакда, албатта, беиз кетмайди. Шу боис мактаб ярмаркасини фарзандларим билан бирга айланиб, уларнинг диди ва ёшига мос, энг муҳими, тарбиясига салбий таъсир этмайдиган маҳсулотларни харид қилаёلمиз.

— Бу йил 1-синфга бораман. Шаҳримиздаги 13-мактабга қабул қилиндим, — дейди жиззахлик Шамшодбек Шухратов. — Онам билан айланиб, мактаб ярмаркасида чиройли кийимлар олдик. Тезроқ ўқиш бошланганини интиқлик билан кутаялман. Утган йили кўшнимизнинг ўғли "Президент совғаси"ни олган эди. Сумкасини, унинг ичигада чиройли, ҳар хил рангли қаламларни кўриб роса ҳавасим келган. Бу йил мен ҳам худди шундай совға оламан.

Ҳа, Жиззах вилоятидаги 63 та мактаб ярмаркаларининг барчаси Шамшодбек сингари кўзлари қувончдан порлаб, янги ўқув йили бошланганини катта ҳаёжон билан кутаётган ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум.

Дилбандларимизнинг бекаму-кўст билим олиши учун яратилаётган бундай гамжурликлар юртдошларимиз кўнглини фахру ифтихорга тўлдириши шубҳасиз. Зеро, фарзанди келажига, таълим-тарбиясига дахлдорлик туйғуси болажон халқимизнинг ҳаёт мазмунини ташкил этади.

МУХБИРЛАРИМИЗ

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар



2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)

Қобилжон Боқиев бу йил Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва транспорт воситаларини эксплуатация қилиш мутахассислиги бўйича тамомлади. Қобилжон кўлига дипломини олдию олдиндан дилига туккан мақсадни рўёбга чиқаришга ошиқди. Унинг бизнес-лойиҳаси маъқуланиб, Халқ банкининг Тўрақўрғон тумани бўли- мидан имтиёзли кредит ажратилиши ёш тадбиркорга қанот бўлди. Мана икки ойдирки, ана шу кредит эвазига нашкил этилган "Оқтошмусафотранс" МЧЖ аҳолига транспорт хизматини кўрсатиб келмоқда.

— Тўғриси иш бошланиб, буюртмаларни кўлга киритгунча бироз қийналдик, — дейди Қ.Боқиев. — Бироқ тушкунликка тушмадик, ортга чекинмадик. Коллежда пухта билим олмаганимда, ишни бугунгидек ташкил қила олмаган бўлардим. Устозларим, кейин шу соҳада тажрибаси бор мутахассислар ҳам ўз ёрдамларини аяшмади. Энди шу йўналишда фаолият юритаётган турдosh корхоналар орасидан мустақкам ўрин эгаллаш учун интиляапмиз. Дарвоқе, ўзим билан бирга ўқиган уч нафар ўртоғим мен билан ишляпти.

Аслида мазкур касб-хунар коллежини битириб чиққан ёш мутахассисларга иқтисодиёт тармоқларида талаб катта. Замонавий таълим тизимига мос шарт-шароит, моддий-техник база ва муайян тажрибага эга таълим муассасаси битирувчиларининг аксарияти иш билан тўлиқ таъминланди. Бу борада вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан масалага дахлдор ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида тузилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди.

— Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 108 та коллежни 2015-2016 ўқув йилида 37 918 нафар ўқувчи битирди, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Қурбонали Қобилов. — Ҳозиргача уларнинг 82 фоизи доимий иш ўринларига эга бўлди. 33 нафар битирувчи муддатидан олдин олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. 501 нафар битирувчимиз эса тижорат банклари томонидан ажратилган 9 миллиард 763 миллион сўмлик кредит маблағлари ҳисобига хусусий тадбиркорлик секторига фаолият юрита бошладилар. Уларнинг 67 нафари қизлар. Шунингдек, бу йил вилоят касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг 62 фоизи ўз мутахассислиги бўйича иш ўрни билан таъминланди.

Айтиш жоизки, янги 2016-2017 ўқув йили учун вилоят умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олишининг касбий йўналишлар бўйича қабул квоталари келгуси уч йилдаги меҳнат бозори талабларини синчиклаб ўрганиш, қайси мутахассисликларга эҳтиёж кучли экани-

ни аниқлаш, талаб ва тақлиб асосида амалга оширилди.

— Янги ўқув йили қабул режасини шакллантиришда Президентимизнинг 2014 йил 24 ноябрдаги "2016—

Маълумки, Тўрақўрғон туманида барпо этилаётган иссиқлик электр станцияси фойдаланишга топширилса, бу ерда ҳам кўплаб иш ўринлари яратилади. ИЭС учун зарур кадрлар ва маалаки мутахассислар тайёрлаш вазифасини Тўрақўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва спорт коллежи педагоглари ўз зиммаларига олишди. Эндиликда мазкур касб-хунар масканида 8 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Меҳнат бозорига мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, ўқувчи-ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини назарда

лар режаси ижроси алоҳида назоратга олинган. Янги ўқув йили ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини олиб боришда муайян тажриба орттирган илгор муассасалар фаолияти асосида амалий семинарлар ташкил этилмоқда. Тайёргарлик ишларини назорат қилиш ва зарур ҳолларда амалий ёрдам бера оладиган 13 та ишчи гуруҳ тузилган. Бу гуруҳлар ҳар бир таълим муассасида бўлиб, бажарилган ишлар сифати ва салмоғини баҳолаб борапти. Урганиш жараёнида муассасада амалга оширилаётган ишлар кўлами, ободонлашти-

Taraddud

га жуда жиддий эътибор қаратдик. Касбий йўналишлар бўйича ҳам керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва методик мажмуалар тайёрлаб қўйилди.

Эътирофга молик яна бир иш — коллежда ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, умумтаълим фанлари ва умумкасбий, махсус фан ўқитувчилари маҳоратини ошириш, малакаларини бойитиш мақсадида икки маҳорат мактаби ташкил этилган. Ўқитувчи-педагогларнинг сифат таркибини яхшилашга жиддий эътибор берилётгани туфайли аввал таъкидлаганимиздек, ўқувчиларга берилётган билим мазмун ва сифат жиҳатидан яхшиланиб бормоқда.

Вилоятда 2016 йилги Ин-

Ҳозирлик ишлари ниҳоясига етмоқда



2019 йилларда Наманган вилоятининг sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори талаблари алоҳида эътиборга олинди. — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Анваржон Тўйчиев. — Қарорга биноан кейинги йиллар мобайнида амалга оширилиши режалаштирилган 218 та лойиҳадан 212 тасида 25 та йўналиш бўйича янги касбларни эгаллаган кичик мутахассисларга талаб мавжуд. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида янги ўқув йилида вилоятдаги 67 та касб-хунар коллежида 75 та янги мутахассислик бўйича ўқувчилар қабул қилинди.

Янги мутахассисликларни танлашда вилоятда ташкил этилаётган sanoat ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжлари ҳам инобатга олинди. Эндиликда Наманганлик ёшлар автоматика восита жиҳозлари ва назорат-ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техникни, технологик машиналар ва sanoat жиҳозларини сошлаш ҳамда хизмат кўрсатиш механиги, автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш ва сошлаш механиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича техник-технолог, кимёвий технология техник-технолог каби 70дан ортиқ касб сирларини ўзлаштиришлари мумкин.

тутиб 2016-2017 ўқув йили учун янги учта йўналиш очилди, — дейди коллеж директори Шаҳзода Кимёназарова. — Жумладан, қўриқлаш-ёнгин алоқаси ва сигнализация тизимларидан фойдаланиш техникни, автомобилларда юк ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, электр станциялари ва электр тармоқлари ускуналарига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва монтаж қилиш техник-электромонтёри мутахассисликлари учун 263 нафар ўқувчи қабул қилинди. Янги ўқув йилида жами 676 нафар ўқувчи билим олиш билан бирга 12 та йўналишда касб-хунар сирларини ўрганади. Вилоятдаги 25 та касб-хунар коллежида илгари ўқитиб келинган, бироқ кейинчалик меҳнат бозорига эҳтиёж йўқлиги боис қабул тўхта- тилган 18 та йўналиш ёпилди.

Бошланажак ўқув йилининг муваффақиятли ўтиши унга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ана шунини ҳисобга олиб, айни қунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини муносиб нишонлашга ҳамда янги ўқув йили ва кузги-қишки мавсумга жиддий таратдуд кўрмоқда. Шу мақсадда белгиланган чора-тадбир-



риш ва кўаламзорлаштириш, қозонхона ва иситиш тизимларини қишки мавсумга тайёрлаш, иссиқлик тармоқларини махсус қоплама билан ўраш, ўқув хоналари ҳолати ва жиҳозларини, дераза ромларига ойна ўрнатиш, янги ўқув йили учун ўқув-методик қўлланмалар ва дастурлар, ўқувчиларни ўқувчи формалари ва дарсликлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида диққат қаратилмоқда.

Бу борада Ирвадон иқтисодиёт коллежида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. 1385 нафар ўқувчи таълим олаётган мазкур муассасада 12 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. 2002 йил мукамал қайта қуриш ишлари туфайли замонавий қиёфа ва қулайликларга эга бўлган коллеж 2015-2016 ўқув йилини муваффақиятли якунлади. Билимларни ўзлаштириш даражаси 98,9, сифат кўрсаткичи 81 фоизни ташкил этди.

— Янги ўқув йили таратдудига барвақт киришган эдик, — дейди коллеж директори Сурайё Мамажонов. — Барча ўқув ва ёрдамчи биналар сифатли таъмирланди. Иссиқлик тизими, қозонхонада синов ишлари ўтказилиб, мавсумга тахт ҳолга келтирилди. Ўқув хоналари ва ўқув-лаборатория хоналарини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш-

вестиция дастурига бина-ан 7 та касб-хунар таълими муассасасида 7 миллиард 195 млн сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган эди. Шунинг ҳисобига Янгиқўрғон иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежига 60 ўринли ўқув устaxonаси ва автомобиллар машқ майдони қуриш, Нам-ПИ қошидаги Чуст академик лицейи биносини қайта таъмирлаш, Наманган шаҳар 1-тиббийет, Наманган қишлоқ хўжалиги, Янгиқўрғон иқтисодиёт ва транспорт ҳамда Янгиқўрғон энгил sanoat касб-хунар коллежларини мукамал қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 3та таълим муассасасида том ишларини бажариш режалаштирилган эди. Мазкур мақсадда ҳозиргача 132 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Чуст тиббийет коллежида 1100, Янгиқўрғон хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида 800 квадрат-метр юмшоқ том ёпиш ишлари якунланди. Шунинг билан билан бирга вилоятда кўмирга мослаштирилган 99 та коллеж эҳтиёжи учун 11671 тонна кўмир ва 7577 тонна БПК ва 4094 тонна брикет ёқилгиси жамғариш давом этмоқда.

2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)



«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси

ёш мутахассисларга катта имкониятлар эшигини очаётир

ИСТИҚЛОЛ НУРИЛА ЯШНАГАН МАСКАН

Мамлакатимиз ҳудудининг каттагина қисмини эгаллаб турган, бир ёнда тоғ-кон ва кимё sanoati, бир ёнда боғу роғлар бунёд этилиб, қишлоқ хўжалигининг турли жабҳалари йилдан-йилга раванқ топаётган Навоий вилояти том маънода Қизилқум бағридаги жаҳоҳир, дея таъриф беришга арзигулик маскандир. Улуғ мутафакхир, шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий номи билан юртилгучи бу юртини Мустақиллик йилларида қаддини ростлаб, чирой очган замин, десак янглишмаймиз. Негаки, 1982 йили Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудларида ташкил этилган мазкур гўша 1988 йили маъмурий бирлик сифатида туғатилган эди. Дийримизда Истиқлол насимлари эса бошлаган дастлабки йилларданок воҳа тараққийига ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, 1992 йилнинг бошида Навоий вилоят сифатида қайта ташкил этилди.

Ҳа, мушоҳада юрийтиб кўрсак, ўзининг буюк келажagini олдиндан тасаввур эта олмадек заковатга эга бўлган, ҳақ йўлига, халқининг куч-қудратига, аҳду шижоатига ишониб катта йўлга чиққан карвонгина эртанги кунни ҳар жиҳатдан тўқис бўлишини таъминлай олади. Биргина турли миялат ва элат фарзандлари бир оила аъзоларидек аҳил ва тотув яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган Навоий вилояти мисолида фикримиз ўз тасдиғини топади. Яқин ўтмишда тиканзору харобаларга айланган муқаддас қадимжолар — Қосимшайх мажмуаси, Мавлоно Ориф Деғгароний тарихий ёдгорлиги, Мирсаид Баҳром мақбараси, Нуротадаги «Чашма» мажмуаси сингари маданий меросимиз ноёб дурдоналарининг обод зиёратгоҳларга айлангани — халқимиз қадриятлари билан бутун ҳудуднинг кўнглида маънавий жасратга рағбат уйғотди.

Мустақиллик йилларида қуриб битказилган Навоий — Учқудук — Нукус темир йўли юк ва йўловчилар ташвиш масофасини 450 километрга ва қатнов муддатини 6-7 соатга қисқартирди. Чунки, илгарилари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан Туркманистон ҳудудидан ўтайдиган Туркманобод(Чорқўй) — Урганч темир йўли орқали боғланган эди. Шунингдек, умумий узунлиги 700 километрга яқин бўлган Навоий, Учқудук, Мискин, Тўртқўл шаҳарларидан ўтиб Нукусгача етказилган мазкур темир йўл

мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 19 миллион АҚШ долларига яқин маблағни тежаш имкониятини бераётир. Ўзбекистон sanoatининг байроқдори бўлган Навоий тоғ-кон металлургия комбинати дунёдаги энг йирик олтун қазиб олувчи корхоналар сирасига кирса, «Қизилқумцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори марказдаги цементнинг сифатлиги билан Марказий Осиё минтақасида тайёрланаётган шундай турдаги маҳсулотларни «доғда» қолдирмоқда. 1992 йили бор йўғи 2 та ўқув биносига эга бўлган Навоий давлат педагогика институтининг бугунги кўрки, янги-янги ўқув бинолари, спорт комплекслари, талабалар турар жойлари, Навоий давлат қончилиқ институтининг ёшлар шаҳарчасига қиёслашувчи бетақор ва замонавий биноларини кўриб, ич-ичингиздан фахрийиқдор ҳиссини туйшингиз шаксини. Ҳа, бугунги Навоий — Қизилқум бағридаги гўзал чаманзорга менгзагулик бахт ва маърифат, спорт ва ёшлик, шижоат ва бунёдкорликлар остонасига айланган!

Бугун биз ана шу фусункор гўшаниннг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, хусусан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳаётига назар ташламоқчимиз.

«Навоий вилоятининг улкан иқтисодий ва транзит имкониятларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва халқаро транспорт логистика марказини ташкил этганимиз, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилишида тўғри ва самарали йўл бўлганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда», — дея таъкидлайди Президентимиз «Она юртимиз бахту иқбол ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобида. Жаҳон тажрибасининг энг илгор ва юртимиз тараққийига ҳисса қўшувчи жиҳатлари атрофида ўрганилиб, ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2008 йилнинг 2 декабрида Президентимизнинг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши вилоят ҳаётида катта янгиликлар йўлини очиб берди. Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши минтақавий ривожланиши ҳар жиҳатдан мақбуллаштириш, ташқи

бозорларга йўналтирилган юқори самарали ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш, логистика ва транспорт инфраузилмасининг замонавий тизимларини жорий этиш сийбатини амалга ошириш йўлида янги ва дадил қадам бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар «логистика», «индустриал зона» сингари атамалар тилимизга кириб келмаган, улар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас, иқтисодиётимиз ҳам шунга яраша бирёқлама ривожланган эди. Бугунги кунда эса ҳукуматимиз қарорлари, инвесторларга берилган имтиёзлар, корхоналарни модернизация қилиш натижасидаги замонавий тизимлар минтақавий ривожланишининг энг мақбул йўли сифатида ўзини намоён этаётир.

садиган, жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар билан тўлдириш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир. Шу маънода Ўзбекистоннинг «Автогазтаъминот» ва «Ўзбекимёмаш» ҳамда Корейнинг Kogas, Kolon ва NK Compltkс Ltd. корхоналари ҳамкорлигида «Ko UNG Cylinder» қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилгани ва бу ерда 55 метр/кубдан 154 метр/кубгача м³гаи сийгимига эга баллонлар э³ илгор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётганини алоҳида таъкидласак арзийди. Мазкур корхона йилига 120 000 газ баллонлари ишлаб чиқариш имкониятига эга.

— Автомобилсозликдан ташқари, мамлакатда коммунал хизмат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, маҳаллий хомашёдан унумли

демлари, рақамли тонерлар ва бошқа 11 турдаги маҳсулотлар тайёрлана бошланди. «Olive Telecom» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасида планшетлар ва 2 хил моделдаги уяли телефонлар, «UZHONGKONG» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида телевизор, телефон, планшет ва ноутбуклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

КАЛЬДАГИ ИФТИХОР кишини улкан мақсадлар сари ундаб туради

— Янги корхоналарнинг очилиши, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг жорий этилиши ўз навбатида мураккаб машина, ускуналарни бошқара оладиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва-зифасини ҳам олдимизга кўндаланг

фойдаланиш, мавжуд корхоналарда диверсификация ишларини йўлга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳудудимизда «Шўртангазим» мажмуасининг «Полиэтилен қувурлар» ва «Полипропилен қувурлар» шўъба корхоналари фаолияти йўлга қўйилди, — дейди «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси директори Азамат Файзиев. — Бу корхоналарда сувдан тежамкорлик билан фойдаланишнинг оқилона усулларида бири — томчилатиб суғориладиган ишлаштирадиган қувурлар, водопровод ва каналзация тизими учун 6 ва 8 атмосфера босимига чидамли қувурлар ва уларни улашда асқотадиган қисмлар ҳамда сым ўтказгичларнинг изоляцияси учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Айтиб ўтиш жоизки, полипропилен қувурлари иссиқлик системаси, совуқ ва иссиқ сув таъминоти жараёнида технология қувурлар ўтказишга мўлжалланган бўлиб, улар мустаҳкамлиги, коррозияга, кимёвий моддаларга чидамлиги, ташилиши қўлайлиги ва ўрнатилишининг осонлиги, 50 йилгача хизмат қилиши кафолатлиши билан юқори баҳоланаётир. Айнаи пайтда «Shurtan Navoi Plast-PP» бренди остида 16—110 мм.гача бўлган ҳажмида 53 турдаги қувурлар, уларни бирлаштиришда ишлатиладиган 20дан ортиқ турли ўлчамдаги хижозлар ишлаб чиқариш, полипропилен гранулясининг PPR100 марказидан тайёрланаётгани билан алоҳида эътирофга молик.

— Ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш асосий вазифаларимиздан бири саналади, — дея сўбатимизни давом эттиради А.Файзиев. — Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, ўтган давр мубоайнида «Olive Telecom», «UZHONGKONG», «TELECOM INNOVATIONS», «TELECOM INNOVATIONS» Ўзбекистон — Сингапур — Хитой ҚҚ, «Ўзбектелеком» АҚ, «TELMAX ELEKTRONIKS», Хитойнинг «ZTE» ва Сингапурнинг «Servetechno PTE. LTD» компаниялари ҳамкорлигида қўшма корхоналар ишга туширилди. Жумладан, ички бозорда талаб юқори бўлган интернетга улашиш мо-



кўйиши табиий. Бу борада ҳар бир корхонанинг ўзида хорижий тажрибали ҳамкорларимиз иштирокида мунтазам ўқувлар ташкил этилаётгани самарали натижа бермоқда. Ишчи-мутахассислар вақти-вақти билан Тошкентдаги Турин политехника университетида, Корея ва Ҳиндистондаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтишмоқда. Шунингдек, Навоий информатика ва электрон саноти, Кармана sanoat ва хизмат кўрсатиш, Кармана озиқ-овқат саноти ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежлари билан ўрнатилган алоқалар асосида ушбу таълим муассасаларини битирган иқтидорли йигит-қизлар бўш иш ўринларини тўлдиришаётир. Кези келганда айтиб ўтмоқчиманки, Мустақиллигимизнинг шарафати билан ташкил этилган корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлар — Истиқлол фарзандларидир. Улар орасида хорижий тилларда беамалол муродотга кириша оладиганлари анчагина, — дейди А.Файзиев.

— Мен 1991 йил — айнан мамлакатимиз мустақилликка эришган йили таваллуд топганман, — дейди хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган «O'zMinda» корхонасида ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Зарина Тоғоева. — Бахтиёр тенгдошларим қатори Навоий компьютер ва ахборот технологиялари коллежининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида тахсил олдим. 2010 йилдан буён ишлаб чиқаришнинг энг илгор технологиялари қўлланаётган ушбу корхонада фаолият юритапман. Корхонамизда устоз-шоғирлик анъаналари жуда яхши йўлга қўйилган. Ҳар кунни ёруғ, шинам кўчалар бўйлаб мухташам иншоотлар оралаб ишхонага кириб келар эканман, қалбимда гурур, шундай гўзал ва бетақор юрда туғилиб вояга етаётганимга шукроналик ҳисси ҳумрон эканлигини ҳис этиб тураман...

— Индустриал ҳудудда 2014 йили Хитойнинг «Gulf Cable Trading Company» компанияси «Алюминий ва алюминий қотишмасидан электротехника сиймаларини ишлаб чиқариш, кабель изоляцияси материаллари ва



ҚўШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ мамлакатимиз ички ва ташқи бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда

юқори вольтли кабель линиялари учун муфтлар тайёрлаш» инвестиция лойиҳаси доирасида «Navoi Cable Connector» қўшма корхонасини бунёд этди. Натижада ички бозорни сифатли ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт қўламини янада ошириш имконияти юзага келди, яъни бу ерда юқори кучли кабель тайёрлаш ишлаб чиқарила бошланди. Корхонага ўзаро манфаатли алоқаларга таянган ҳолда «Олмалик КМК» «Uzkabel» қўшма корхоналари ва «Gulf Cable Trading Company» (ХХР) компаниялари иштирокида Финляндия, Франция, Хитой ва бошқа давлатлардан умумий қиймати 14,5 миллион АҚШ долларига тенг замонавий технология ускуналар келтириб ўрнатилди. Шунингдек, 6 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди ва 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Айтиш жоизки, индустриал ҳудуддаги иқтисослашган қўшма корхоналарда кимё sanoati маҳсулотлари, айниқса, пардозлик, дори-дармон ва болалар тагликлари ҳамда аёллар гигиеник воситаларини ишлаб чиқариш қўламини ошди. Шунинг баробарида омма эътиборини қозонди. Масалан, «Bravo Pharmaceutical», «Novo Farm Komplekt», «Hansang Pharm» қўшма корхоналари томонидан тайёрланган фармацевтика маҳсулотлари сифати ички ва ташқи бозорда ҳам эътироф этиляпти. Маҳсулот турлари мунтазам қўлайлиб бораётгани, табиий компонентларга эгалиги эса улар харидорлигини оширмоқда.

Индустриал ҳудудда тайёр, бутловчи маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш чўқурлаштириш, шунингдек, энергия тежаш ва энергетик самардорлигини ошириш йўналишидаги ишлар самараси ҳам юқори бўлаётир. Масалан, «CFM ProEnergies» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси, у ерда светодиод электр чироклари ва прожекторларнинг ишлаб чиқарила бошлаши республикамиз саноти тараққийидаги дадил қадамлардан бўлди, десак янглишмаймиз.

ҚўШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ мамлакатимиз ички ва ташқи бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида мамлакатимиз ички бозорини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар билан мунтазам таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Жумладан, иқтисодий ҳудудда ишга туширилган «Agrofresh» қўшма корхонаси омборхонаси янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини мўътадил ҳароратда бир йилгача сақлаш имконига эга. Корхонага ўрнатилган Голландия технология асбоб-ускунаси мева ва сабзавотларни навиға қараб нафақат ҳажми, балки ўлчами, ҳаттоки ранги бўйича ажратишга иқтисослаштирилган. «Agrofresh»нинг музлатадиган омборхонасига 3000 тоннагача янги узилган мева ва сабзавот маҳсулотларини сийдириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, 14та музлатадиган омборхонанинг умумий ёр майдони 2080,96 кв м ёки умумий сийғими 12486 куб метрга тенг. Улардан ҳар бири 250 тоннадан маҳсулот сийдира оладиган ва 173,6 кв м умумий ҳажмига эга бўлган 11та катта ҳамда сийдириш ҳажми ва майдони уларга мос равишда 83 тонна ва 57,12 кв м. га тенг бўлган 3 кичик омборхонадан иборат.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Навоий» халқаро аэропортининг фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келаётир. Аэропортининг реконструкция қилиниши натижасида зонага қатнов имкониятлари кенгайган бўлса, тузилмининг ишлаб чиқариш ва экспорт қувватидаги тараққийёт аэропортининг юқ сақлаш, ташвиш соҳаларининг кенгайишига хизмат қилди. Айтиб ўтганимиздек, соҳаларнинг ҳар бири мамлакатимизнинг жон томирлари мисол биридаги юқалиш иқкинчисига кенг йўл очаётир. Бунга яна бир мисол сифатида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва Корейнинг «Korean Air» компанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра, Навоий ха-

лқаро аэропорти базаси ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида МДХ мамлакатларида ягона бўлган трансконтинентал интермодал логистика маркази ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Korean Air» авиаташувчилари аэропордан Тошкент, Шанхай, Инчон, Сеул, Деҳли, Мумбай, Ханой, Дубай, Вена, Милан, Франкфурт, Париж, Москва ва бошқа шаҳарларга парвозларни амалга оширади. Бу ўринда зонанинг темир йўл вокзалига яқинлиги ва М-37 магистрала ёқасида жойлашгани унинг қўлай логистика имкониятга эга эканлигидан далолат беради.

Маълумки, Мустақиллик йиллари мамлакатимизда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликка ҳар томонлама эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу борада сўз кетар экан, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири саналишини тилга олиш мумкин. Мазкур долзарб масала ечимида ҳам «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси имкониятларидан оқилона фойдаланилмоқда. Марказий Осиёда янги қўшма лойиҳалар амалга оширилгани, ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти коммуникацияларини барпо этиш қўламини кенгайтириш сари ШХТ мамлакатлари учун Навоийдаги ушбу янги тузилмани ўрни, аҳамияти орта боради. Ўтган йилдан бошлаб қўшимча инвестиция доирасида «Авео», «Жентра» автомобиллари учун янги авлод спидометрлари ишлаб чиқарила бошланди. Улар тезликини аниқлаш баробарида компьютер ёрдамида ёнлиги сарфи, ташқаридаги ҳарорат, шиналарнинг босимини аниқ кўрсатиб беради. Республикамизда биринчи марта азот газини ёрдамида пластмасса қўйиш технологияси ўзлаштирилганлиги ҳам индустриал ҳудуднинг янги имкониятларидан биридир...

... Биз айни кунда «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган қалбимизнинг қат-қатидаги изҳор ила кутиб олаётган мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик қўлтуғ санаси улкан тарих олдида жуда қисқа муддат, аслида. Лекин ана шу давр юртимиз солномасида катта юқалишлар босқичига айланди, десак муболага бўлмайди. Эеро, жамики жабҳалардаги тараққийёт манзаралари фикримизнинг яққол тасдиғидир. Жумладан, ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очётган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳаётидаги бугунги жўшқин ҳаёт нафақат мамлакатимиз, балки, ҳамкорликка қўл қўзаётган давлатлар учун ҳам манфаатли, минтақамиз учун аҳамиятли бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилишига кўприк бўлаётгани эътирофга моликдир.

Ойбуви ОЧИЛОВА С.АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

«Бошлангич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш» мавзусида ўтказилган бошлангич таълим ўқитувчиларнинг республика форумида қатнашиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга яна бир бор гувоҳ бўлдим ва бошлангич синф ўқитувчиси эканлигимдан фахрландим. Форумда барча вилоятлардан келган энг намунали, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшаётган устозлар билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдим.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида она тили фанидан 1—4-синфларда ўйин технологияларидан фойдаланиш, ўқиш дарсларида «Матн устида ишлаш», математикадан «Бошлангич синфларда математик саводхонлик», инглиз тилидан «Тўғарак машғулотида ўйинларни ташкил этиш», меҳнат фанидан «Гулқоғоздан байрам соғвасини тайёрлаш», табиатшунослик фанидан «Ватанимиз бўйлаб сەяхат» мавзуларида маҳорат дарсларида иштирок этдим. Ўзига хос ёндашув ва ўқувчини фаоллаштиришга ундовчи янги дарс усуллари ўргандим. Айниқса, она тилидан Замира Му-

Ўрганганларимни ВИЛОЯТ форумида тарғиб этаяпман

ҳаммадиева олиб борган «1—4-синфларда ўйин технологияларидан фойдаланиш» дарсида янги ўйин технологиялари билан танишдик.

Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда «Кувноқ рақамлар», «Ёш экологлар», «Ёш мусаввирлар», «Драма тўғараги», «Моҳир қўллар», «Ким бўлсам экан?», «Яшил чирок», «Соғлом авлод», «Ёш ихтирочилар», «Спорт — соғлиқ гарови», «Harry English», «Инклюзив таълим лойиҳаси» мавзуларидаги машғулотлар ҳам бир-бирини асло тақрорламади. Ушбу маҳорат дарсларида кузатганларим яна ўз устимида ишлашга ва болалар билан тўғаракларни намунали ташкиллаштиришга ундади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди 4-шўба — «Бошлангич таълим тизими педагог кадрларининг касбий компетенцияларини ошириш ҳамда таълимни модернизация қилишга уларнинг педагогик маҳоратларини шакллантириш масалалари» шўба йиғилиши иштирокчиси бўлдим. Форум иштирокчилари ўз худудларидagi янгиликлар билан ўртоқлашди. Саволларимизга Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ҳамда Тошкент шаҳар ХТХҚТМОИ мутахассислари мисоллар асосида жавоб беришди.

Форумдан қайтганимдан буён барча жараёнларни ҳар кун қайта кўз ўнгимдан ўтказиб, ҳамкасбларим билан ўртоқлашаётиман. Бунинг учун бизга яна бир имконият яратилди — ҳамма худудлар катори вилоятимизда ҳам бошлангич синф ўқитувчиларининг форуми ўтказилапти. Ушбу анжуманда ўрганган янгиликларимизни худудимизда тарғиб қилишни бошлаб юбордик. Айни жараёнда бошлангич синф ўқитувчиларининг янги олам — билимлар дунёсига қадам қўйишни инobatга олиб, интерфалол усуллар, болаларнинг қизиқишларини оширадиган дидактик материалларга алоҳида аҳамият бераётимиз. Зеро, биринчи ўқитувчи сўзини ҳар бир бола жон қулоғи билан тинглайди, ўрганади, ўзлаштиради. Унинг ҳеч бир сўзини икки қилмайди. Шундай мавқега эга муаллим болалар қалбида ишонч ва меҳр уйғотиши билан бирга аҳил, иноқ жамоани шакллантиришга ҳисса қўшадиган моҳир педагог ҳам бўлиши зарур.

Шу боис биз вилоят форумида ҳар бир бошлангич синф ўқитувчисини ўз устида мунтазам ишлашга, малака ва тажрибасини оширишга, илгор педагогик воситалардан самарали фойдаланишга ҳар бир ўқувчининг ўзлаштиришини назорат қилиб боришга оид илгор тажрибаларни тарғиб этишга эътибор қаратаётимиз.

Хуришида СОЛИЕВА,
Риштон туманидаги 1-мактабнинг
бошлангич синф ўқитувчиси

«Имтиҳон дарси» ўқувчи билимини мустақамлайди, ижодий қобилиятини ривожлантиради

Такрорлаш ва турли интеллектуал синовлар ўтказиш ўқувчи эгаллаган билимларни мустақамлашнинг муҳим шартидир. Шу боис ҳар чорак якунида 8-синфларда «Одам ва унинг саломатлиги» фанидан «Имтиҳон дарси» машғулоти ташкил этишни йўлга қўйганман. Ноодатий тарздаги дарс чорак давомида олган билимларни синовдан ўтказибгина қолмай, ўқувчиларни мустақил ишлаганига, ижодий фикрлашга, қолаверса, синфда дўстона муҳитни яратишга хизмат қилмоқда.

Имтиҳон дарсини ўтказишдан олдин муаллим ўқувчилар билан тайёргарлик кўриб олиши талаб этилади. Ўқитувчи ушбу дарсдан уч-тўрт кун илгари ўқувчиларни икки гуруҳга ажратди. Гуруҳларга ўтилган мавзулардан келиб чиққан ҳолда ном берилади. Масалан, биринчи гуруҳга «Алвелолар», иккинчисига эса «Ворсинкалар» деб ном берилади. Ҳар бир гуруҳ ўз жамоаси номига мувофиқ тарзда эмблема, реферат, де-

ворий газета, расм, фотостенд ва слайдлар тайёрлайди. Бундай тайёргарлик барча ўқувчиларни бирдек фаол бўлишга, фанга қизиқшини оширишга ёрдам беради.

Ҳар бир бола ўз характери, қизиқиши ва қобилияти билан ўзига хос оламдир. Синфдаги ўқувчиларнинг бири расм чизишга қизиқса, бошқаси ихтирочиликка, компьютер технологияла-



Tajriba

рига, яна бири адабиётга иштирокчи бўлади. Тайёргарлик жараёнида жамоаси шаънини ҳимоя қилишга шайланган ўғил-қизлар «Имтиҳон дарси» синовларидан муваффақиятли ўтиш учун турли кўргазмалар воситалар ясаши асосида ўз ижодий қобилиятини намоён этади. Имтиҳон дарсининг энг асосий топшириги бу — рақиб жамоа учун тегишли мавзуга оид саволлар тайёрлашдир. Бунда гуруҳларга тегишли боллар

бўлиб берилади. Айтайлик, «Алвелолар» жамоаси «Овқат ҳазм қилиш» боби бўйича, «Ворсинкалар» эса «Нафас олиш» боби бўйича саволлар тайёрлайди, шу жараёнда ушбу мавзуларга уларнинг ўзлари ҳам ҳозирлик кўриб борадилар. «Имтиҳон дарси»да гуруҳлар саволларни бир-бирига тақдим этади. Ўқитувчи эса тенгдошларининг саволларига жавоб бераётган ўқувчининг билимини ҳолис баҳолаб боради. Машғулот давомида берилган топширикларни тез ва тўлиқ бажарган гуруҳ ҳолиб ҳисобланади.

«Имтиҳон дарси»да «Энг чиройли эмблема», «Энг мазмунли деворий газета», «Энг яхши фотостенд», «Энг чиройли расм», «Энг яхши реферат», «Энг қимматли маълумот» каби номинациялар бўйича ҳам ўқувчиларнинг билими, маҳорати ва ижодий ишлари баҳоланади.

Феруза АСАДОВА,
Бухоро туманидаги
15-мактабнинг биология
фани ўқитувчиси

Ҳар йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун тест синовларига тайёрланади. Тажрибам давомида шунга амин бўлдимки, математика фанидан мисол ва масалаларни ечиш учун абитуриентлардан аниқлик ҳамда қисқа вақт ичида ечимни тўғри танлаш талаб этилади.

Куйида баъзи масалаларни ечишнинг хусусий ҳолларига доир формула ва ечимлар тест синовларига тайёргарлик жараёнида абитуриентларга асосида, деган умиддаман.

Масалалар ечишнинг хусусий ҳоллари

Ишга доир масала
Биринчи хусусий ҳол. Ҳовуз биринчи қувур орқали a соатда, иккинчи қувур орқали b соатда тўлади. Агар иккала қувур бир вақтда очиб қўйилса, ҳовуз неча соатда тўлишни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$t = \frac{ab}{a+b}$$

Биринчи хусусий ҳол учун масала. Биринчи қувур ҳовузни 3 соатда, иккинчиси 5 соатда тўлдиради. Иккала қувур биргаликда ҳовузни қанча вақтда тўлдиради?

$$t = \frac{ab}{a+b} = \frac{3 \cdot 5}{3+5} = \frac{15}{8} = 1\frac{7}{8}$$



Qayroqtosh

Демак, иккала қувур биргаликда ҳовузни $1\frac{7}{8}$ соатда тўлдиради экан.

Иккинчи хусусий ҳол. Ҳаракатга доир масала. Ҳаракатланаётган эскалаторда юрмасдан t_1 да тепага чиқилса, юриб эса t_2 да қайтиб пастга тушилса, тўхтаб турган эскалаторда t да юриб тепага чиқиш формуласи қуйидагича:

$$t = \frac{t_1 t_2}{t_1 - t_2} \quad t_1 > t_2$$

Иккинчи хусусий ҳол учун масала. Киши ҳаракатсиз эскалаторда 4 дақиқада, ҳаракатланаётган эскалаторда эса 48 сонияда юқорига кўтарилади. Киши ҳаракатдаги эскалаторда тўхтаб турган ҳолатда неча дақиқада юқорига кўтарилади?

$$t = \frac{t_1 t_2}{t_1 - t_2} = \frac{240 \cdot 48}{240 - 48} = \frac{240 \cdot 48}{192} = \frac{60 \cdot 48}{48} = 60$$

Демак, киши тўхтаб турган ҳолда эскалаторда 60 сония, яъни 1 дақиқада юқорига кўтарилади.

Илбосжон МУТИЛЛАЕВ,
Чуст шаҳридаги 7-ИДУМИ ўқитувчиси

Чет тилини осон ўрганиш мумкинми?

Кўпчилик мустақил шуғулланувчиларда чет тилини қандай қилиб тез ва осон ўрганиш мумкин, деган савол пайдо бўлиши табиий. Бунга жавобан мутахассисларнинг тавсияси шундай: агар бирор хорижий тилни ўрганаётган бўлсангиз, ўзингизга маъқул йўналишни танланг ва шуғулланиш давомида шундан фойдаланинг. Бу — суҳбат, чет тилидаги китобларни ўқиш ёки хорижий фильмларни томоша қилиш бўлиши мумкин. Ҳатто қўл телефонингизга ўзингиз ўрганаётган тилни ўрнатилиш ҳам самара беради. Имкони бўлса, чет тилида сўзлашувчилар билан кўпроқ мулоқот қилинг. Хорижий тилни ўрганишдаги энг катта тўсиқлардан бири — хато гапиришдан қўриқингиз.

Шундай экан, хато қилишдан қўчманг. Чет тилида қанча кўп гапирсангиз, кутилган натижага шунча тез эришасиз.

Ҳар кун чет тилидаги 3-4 саси



Fikr




ҳифалик маттни ўқишга ҳаракат қилинг. Мутолаа пайти нотаниш сўзини ва унинг таржимасини ёзиб қўйишни унутманг. Кун давомида янги сўзларни тақрорлаб, ёдлаб боришга ҳаракат қилинг. АҚШлик олим Тим Ферриснинг фикрича, инсон ҳаётда керакли ишларга вақтининг 20 фоизини сарфлайди. Бироқ эришадиган натижаларининг 80 фоизини айнаан шу 20 фоизлик меҳнат беради. Шу боис истезъмолда энг кўп қўлланади-

ган сўзларни ёд олишга ҳаракат қилинг. Ҳар кун лугат бойлигингизга соҳангизга тегишли сўзларни қўшиб боринг. Улар иштирокчида гап тузганда сўзлар ёд бўла бошлайди ва нутқий имкониятларингиз кенгайди.

Хорижий тилдаги матлни кўрсатув ҳамда фильмларни томоша қилиш нутқ ривожланиши ва сўзларни эслаб қолиш имконини беради. Ўрганаётган тилингиздаги сайтлар, электрон китоблар, газета ва журналларни мунтазам кузатиб, ўқиб бориңг. Бу усул сизга ёзма нутқни яхшироқ тушуниш имконини беради.

Гулалас ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Яккасарой енгил санoат
коллежи инглиз тили
ўқитувчиси

2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)



Музей ноёб санъат жавахирларига бой зиё маскани ҳисобланади. Унинг захирасида 8 мингга яқин экспонат мавжуд. Бу осори атиқалар 13та залга 20та мавзу йўналиши бўйича жойлаштирилган.

Мустақиллик йилларида мазкур музей биносини таъмирлаш ишлари давом эттирилди. 2009 йил охирида миллий матолар, сопол буюмлари, ёғоч ўймакорлиги ва ганч ўймакорлигининг машҳур усталари Маҳмуд Усмонов, Тошпўлат Арслонқулов (Тошкент), Ота Полвонов (Хива), кулол Ҳамробиби Раҳимова (Бухоро)нинг график портретлари билан жиҳозланган — «Ўзбекистон амалий санъат манбалари» номли иккита экспозиция зали очилди.

2010 йили музейнинг фавворали ва рокари-ли ичкари ҳовлисида ободонлаштириш ишла-



Muzeyga sayohat

унинг хайратлангани бутун мамлакатда шов-шув бўлади. Шу-шу мато "хонатлас" номи билан машҳур бўлиб кетади.

Иккинчи зал каштачилик намуналарини ўзида жамлаган. Хунармандлар ижодига мансуб сўзана ва палак хона деворларини безаб турибди. XIX асрга оид каштачилик буюмлари энг қадимий экспонатлар сирасига киради. Авvallари ҳар бир қизнинг сепига палак солинган. Бўз матога ипак ип билан ислимий нақш тикишдан аввал чизмакеш аёл матога гул нусхасини чизиб берган. Белбоғ, қийқча, чойхалта, ойнахалта, қошиқ халта кашталари ота-боболаримиз турмуш тарзини эслатади. Сурхондарё ва Самарқанд ке-

Асрий анъаналар мужассам маскан

Замон қай даражада тараққий этмасин, турмушимизга энг сўнги технологиялар кириб келмасин, амалий санъат намуналари боқийлигича қолади. Ўзбекистон давлат амалий санъат музейига таширф буурган киши бунга ўзи гувоҳ бўлади.



ри амалга оширилиб, безакли сопол гулдонлар ва қадимий услубда ишланган тунги ёриткичлар ўрнатилди. Шунингдек, кўкаламзорлаштириш мақсадида майсали чимлар ётқизилди ва нафис гуллар экилиб, музей биносига ўйгун манзарали композиция яратилди. Музейнинг П шаклидаги биносининг ичма-ич залларидаги чиқиш ва кириш йўлаги қайта таъмирланди. Заллар ганч-ўймакор усталар сулоласининг олтинчи авлоди уста Жамшид Фоипов ва Талъат Тургунов ишлаган ўйма нақшли эшиклар ва айланасига ганч ўймакорлиги нақшлари туширилган учли пештоқли композициялар билан безатилди. Музей фонди халқ усталари асарлари, бадий хунармандчилик маҳсулотларининг сара намуналари билан тўлдириб борилади, шунингдек, бошқа музейлар билан ўзаро экспонат алмашиш ҳам йўлга қўйилган.

— Фонд ва экспозициядаги амалий санъат намуналарининг асосий қисми XX асрга тегишли бўлса-да, у орқали аввалги давр билан ҳам танишиш мумкин, — дейди музей илмий ходими Сайёра Усмонова. — Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Наманган ва юртимизнинг бошқа шаҳарларида тўқилган матолар хорихлик мода ишқибозлари диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Риштон кулолларининг сопол буюмлари ўзига хос. Музей коллекцияси Ўзбекистоннинг кўп асрлик маданияти тарихига қизиқувчи этнограф ва санъатшунос, тарихчи ва музейшунослар, тадқиқотчиларни ҳамisha қизиқтириб, сайёҳларни ўзига чорлаб келган.

Ўтган асрнинг 70-йилларида музейнинг экспозициялар майдонини кенгайтириш мақсадида эски бинога қўшимча иморатлар қурилди. Мустақиллик йилларида музей биносини таъмирлаш, экспонатлар билан бойитишга кенг эътибор қаратилди. 2002 йили Япония ҳукумати томонидан экспонатларни сақлашга мўлжалланган витрина ва аудио-кузатув жиҳозлари (монитор) ҳада этилди.

Матолар залидаги XIX-XX асрга оид коллекция кўзни қувнатади. Қўлда тўқилган хонатлас, адрасни тайёрлаш 30дан ортиқ жараёни ўз ичига олади. Адрас ва атлас кўлда тўқилгани учун кадрли ҳисобланади. Нақшлар туширилган "абр гули", "лола", "тароқ", "шахмат", "товус", "намозшомгул" нусхалари халқимиз орасида кенг тарқалган. Халқ орасида шундай афсона юради. Қадимда бир хон барча устасунаармандларга хайратомуз буюм яратишни буяради. Ҳар ким топганини келтира бошлайди. Аммо хон бирортасидан хайратланмайди. Осмонда сузиб юрган булут тасвирининг сувдаги аксини матога туширган уста етти рангдан иборат атласни хонга тортиқ қилганда

линларининг рўмоллари, сеп йиғиладиган бўғжона, XX асрга оид тошкентлик аёллар ёпинчиги томошабин эътиборини тортади. Бир қатор дўппилар уни кийган киши ҳақида маълумот беради. Масалан, ироқи ва чоргул дўпписини асосан турмушга чиқмаган қизлар кийишарди. Келинчақлар эса зар дўппи кийган. Бодом, қалампирмунчоқ, атиргул нақшлари туширилган турли-туман дўппилар хали-хануз бозор растасини безаб турибди.

Учинчи залда кулолчиликка мансуб буюмлар. Усталарнинг музейга совғаси ёки музей ходимларининг буюртмаси асосида ақин даврда ясалган бўлса ҳам, нусхалари IX—XI асрларга хосдир. Қадимий Кушон давлати даврида яратилган, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Риштон кулолчилик намуналари асосан, қосасимон ва кўзасимон кўринишда ясалган. Ўша замонларда сопол буюмдан фақат хонани безатиш учун эмас, озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли сақлашда ҳам фойдаланилган. Чорқулоқ ярмигача ерга кўмиб қўйилган хумга ўхшайди. Унга айниб қолмаслиги учун гўшт, сарёғ, оқ ёғ маҳсулотлар солиб қўйилган ва узоқ муддат сақланган. Қадимги "музлаткич"нинг туби ингичка бўлиб, уни ерга кўмиш қулай бўлган.

Музейнинг асосий зали 1870 йили қурилган. Қадимий сарой меҳмонхонаси кўринишини эслатиб, ўз даврининг маҳоратли усталари шарқона услубда пардозлаган. Хоналар девори ва шифтини безатишда ислимий, ганч ўймакорлиги, нақши-нигор ва бошқа наққошлик усулларидан фойдаланилган. Зал икки маротаба таъмирланганига қарамай, асл қиёфаси сақлаб қолинган. Амалий санъат намуналари кўргазмаси кўпинча шу ерда ўтказилади.

Бошқа заллардан маҳаллий хомашёдан ясалган чинни, шиша, биллур идишлар коллекцияси ўрин олган. Замон ўзгариши, тараққий этиши билан халқ хунармандчилигига XX асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида тикув машиналари кириб келди. Аёлларнинг иши анча енгиллашди. Ушбу залда тикув машинаси ёрдамида яратилган кашта ва сўзаналарни томоша қилиш мумкин.

Ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик буюмлари хорихлик томошабинларни хайратга солади. Бошга, пешонага тақиладиган нозигардон ва зебигардон фақат безак бўлибгина қолмай, уни таққан аёлнинг қадди-қомати янада кўркамлашди. Мисгарлик зали экспонатлари ҳақида Сайёра Усмонова шундай дейди:

(Давоми 16-бетда.)

Мафкуравий иммунитет қандай шакллантирилади?

Ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини ахборот технологияларисиз, айниқса, компьютерларсиз тасаввур этиш қийин. Мамлакатимизда шу соҳада қабул қилинган қонулар ва олиб борилган ислохотлар натижасида юзлаб ахборот-ресурс марказлари, интернеткафелар, интернетпровайдерлар, "ZiyoNET" ахборот таълим портали фаолият юритмоқда. Бугун интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 10 миллиондан ошди. Интернет ва унинг шакллари бўлган — интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, on-line видео, on-line ўйинлар, ижтимоий тармоқлар каби ахборот тарқатиш технологиялари имкониятларидан ёшларнинг маънавияти ва билим даражасини оширишда мақсади ва оқилона фойдаланиш зарурлиги тўғрисида сеvimли нашримиз "Ma'rifat" саҳифаларида кўплаб чиқишлар қилинапти.

Этибор қаратадиган бўлсак, бугун ахборот оқими ҳаётимизга чунонам тез кириб келаяптики, уларни "ҳазм" қилиш учун теран тафаккур ва кенг дунёқараш талаб этилади. Айниқса, интернет олами ҳозирги ёшларимиз этибори ва қизиқишини тортиб бораётган бир даврда айрим компьютер ўйинлари ҳақида шундай мисолларни келтириш мумкин. Маълумотларга кўра, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезилар-

ли даражада ёвузлик кўринишига эга, 41 фоизи жангари (турли отишмалар ва портлашларга асосланган) ўйинлар бўлиб, «қахрамон»лар ўз ниятига етиш учун ҳар қандай ёвузлик содир этишдан қайтмайди. Бир қарашда улар оддий ўйиндек кўринса-да, зўравонлик гоёлари, ёвузлик кайфиятини уйғотиши сабаб жуда кўп салбий оқибатларга олиб келишига кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабель телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин ва бу ўзининг етарлича салбий оқибатларини намойён этмоқда. Ҳозир глобал тармоқда ўз ўзини ўлдиришни тарғиб қилувчи 9 мингдан, беҳаё мазмунга эга 4 мингдан зиёдроқ сайтнинг мавжудлиги фикримизни тасдиқлайди. Мавжуд махсус дастурлар бундай сайтларнинг фақат бир қис-

Gazeta va gazetxon

минигина филтрлайди, яъни компьютердан фойдаланувчининг иктиёридан ташқари экранда пайдо бўлишига тўсик қўя олади. Шунингдек, жаҳоннинг бир неча мамлакатларида уюшган террорчи гуруҳлар ва ташкилотларнинг кўплаб сайтлари мавжуд бўлиб, улар орқали ёшларнинг онгига, турмуш тарзига тўғри келмайдиган ёт гоёлар тинмай тарғиб қилинмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда турли диний оқимларга, бузғунчилик ва зўравонликни, миллатчиликни тарғиб қилувчи гуруҳларга қўшилиб қолишининг 60—70 фоизи интернет орқали кечмоқда.

Табиий равишда савол туғилади: интернет сайтларидан тарқатилётган бу каби ёт гоёлар ва ахборотларга қарши мафкуравий иммунитетни қандай қилиб ҳосил қилиш мумкин? Ёшларимизни бирлаштирувчи миллий интернет тизими борми? Улар ўғил-қизларимизни ўзига жалб эта оладими?

Назаримизда, фарзандларимизнинг онгига ижобий таъсир этувчи миллий сайтларимизни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришимиз зарур. Бундай сайтлар ўзининг интерактивлик имкониятларини ошириши, мулоқотнинг фойдали хижатларини ўзида мужассам этиши керак. Масалан, хабар билан бирга расм, овозли

2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)

хабарлар, видеоёзувлар жўнатиш, тармоқ орқали бепул кўнғироқ ёки видеокўнғироқ қила олиш, турли совринли ўйинлар, мусобақа ва тадбирларда қатнашиш имкониятини яратиб ва ҳоказо. Бундан ташқари, миллий сайтларимизнинг мукамал мобил дастурларини ишлаб чиқиш ва бу сайтдан мунтазам фойдаланувчиларга виртуал рағбатлантиришлар тақриф этиш, сайтнинг ахборот ресурсларини миллий қадриятларимизни тарғиб этувчи, маънавиятимиз, дунёқарашимизни бойитувчи қизиқarli маълумотлар билан мунтазам янгилаб бориш керак. Сайтнинг виртуал тизимида миллий интеллектуал мантиқий ўйинларни кўпайтириш, турли оммавий сўровномалар ташкил этиш, сертификатлар ва рағбатлантиришлар жорий қилиш, машҳур кишилар ва компанияларнинг сайтдан кенгроқ фойдаланишлари чораларини ишлаб чиқиш ҳам ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Олий таълим муассасаларида кенг жорий этилиши режалаштирилган электрон модули ўқитиш тизимини жаҳон стандартларига мос равишда ташкил этиш, мамлакатимизда масофавий таълим берувчи миллий электрон марказларнинг очилиши ва улардан фойдаланиш имкониятларининг яратилиши зарурлиги ёшларимизнинг интернет тармоғидан мақсадли фойдаланишлари йўлидаги муҳим ечимлардан дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугун ёш авлодни ахборотни тўғри идорак этишга тайёрлаш лозим. Яъни, ҳар бир шахс муайян ахборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажрата оладиган мезонларни ишлаб чиқиш ва бу борада маълум кўникмага эга бўлиши жоиз. Киши онгига ахборотларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратадиган "филтр"ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи, интернетнинг салбий хижатларидан ҳимояловчи муҳим омил саналади.

Клара ИСМАНОВА,
Наманган муҳандислик-педагогика институти
"Ахборот технологиялари"
кафедраси доценти, техника
фанлари номзоди



Бўшлиқни ким тўлдиради?

Азалдан ёши катталар айрим навқирон авлод вакилларининг қарашлари, қилган ишларидан кўнгли тўлмаган. Бунинг сабабларидан бири катталар ўз давридаги тартиб-қоидалар ва одоб-ахлоқ меъёрларига ёшлар ҳам амал қилишини истайди. Ёшлар эса янгиликка, замонавийликка ўч бўлади.

Шуни инобатга олиб катталар янгиликка, замонавийликка қарши чиқиши эмас, аксинча уларнинг ёшлар ҳаётига салбий ва ижобий томонларини ётиги билан тушунтириши, тараққиёт маҳсули бўлмиш компьютер, уяли телефон ва интернет тармоқларидан унумли фойдаланишга ундаши лозим. Ёшларнинг ҳар томонлама интеллектуал ривожланишига хизмат қилувчи бу воситалардан ноўрин фойдаланаётган айрим мактаб, лицей-коллеж ўқувчилари ҳам учраб туради.

Маҳалламизда бир неча компьютерхона бор. У ердан эртаю кеч ёшларнинг бақир-чақир эшитилиб туради. Ана шу компьютерхоналарнинг бирига бориб, бу ҳақида айтганимда, эгаси менга девордаги ёзувларни кўрсатди. "Чекиш ва шовқин солиш тақиқланади" деган ёзувлар хона деворларининг 4-5 жойига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. "Бу ишга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ҳам жалб қилдик. Улар вақти-вақти билан компьютерхоналарга келиб, дарсга бормай бу ерда юрган болаларни маҳалла идораси ёки милиция таянч пунктига олиб бориб, ўқиш жойлари, манзилларини аниқлашади, ота-оналари билан тушунтириш ишлари олиб боришади", — дея қўшимча қилди компьютерхона соҳибни. Ўйлаиб қолсан киши, қачонгача болаларни ота-оналари қолиб,

бошқалар назорат қилади, компьютерхоналардан қувиб мактабга етаклаб боради?

Ачинарлиси, кейинги пайтларда хориж фильмларидаги «қахрамон»ларни кўравериб баъзи ёшларимиз ўшаларга ўхшаб фикр юритапти. Уларнинг катталар билан мулоқотидан бунини сезиш мумкин. Ота-она фарзандининг келажagini ўйлаб, унинг режалари, ўқишлари ҳақида сўраса айрим ёшлар "Бу сизнинг муаммоингиз эмас!", дея жеркиб ташлаган ҳолатларни ҳам учратаймиз.

Айрим ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар давомати текшириб қўрилганда аксарият болалар қаерда юрганини ўқитувчилари тугул, ота-оналари ҳам билишмаган. Суриштирувларда улар компьютерхоналарда экани аниқланган.

Mulohaza

Яна савол туғилади: компьютерхоналарга йўл олаётган ва кўчакўйда санғиб юрадиган ёшларни тўғри йўлга соладиган катталар қани? Бола кимники ўзи?! Миллий қадриятларимиздан узоқлашиб кетаяётган айрим ота-оналар фарзандлари тарбияси учун ўзлари масъул эканини англаш ўрнига, "Ана, коллежга жойлаб қўйдим, энди у ёғига ўзлари тарбиялаб, ўқитиб олади" қабилида иш тутса, тарбияда олдинга силжиш бўлади-ми?!


Келажак — ёшларники, аммо қандай авлодниқни? Мана бу савол устида жиддий ўйлашимиз керак. Машина ҳайдашни билмаган одамга калитни тутқазиш — нодонлик ҳисобланганидек, ўз фарзандини тўғри йўлга бошлаш ўрнига, бу ишни мактаб, коллеж, маҳалла ёки ҳуқуқ-тартибот идораларига «юк-лаб» қўяётган ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Отабек КЎЧҚОРОВ,
ИИВ академияси тингловчиси

2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)

**ДИҚҚАТ, «АҚЛЛИ» УЙ
ХАБАР БЕРАДИ!**

«Ақлли» уй ва интернет тармоғи билан ўзаро боғланган «IFTTT» қурилмаси хонадон соҳибини кутилаётган вазиятлар ҳақида хабардор қилади. Мисол учун, об-ҳаво айнаиб, ёмғир ёғиш эҳтимоли бўлса, уй эшигининг очик қолгани ҳақида хабар беради, деб ёзади «Forbes».



Қурилма номи англисча «If This Then That» (IFTTT), яъни «Агар бундай бўлса, кейин ундай бўлади» сўзларининг қисқартмасидан ҳосил бўлган. У интернет хизматлари, хусусан, ижтимоий тармоқларга ҳам уланган бўлиб, улар орқали уй эгаси хонадонда юз бериши мумкин бўлган хавфдан огоҳлантирилади. Бунда тармоққа уланган фойдаланувчининг электрон почтасига маълумот етказилади. Хизматлардан осон фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқарувчилар мобил иловаларни ҳам яратиш борасида изланиш олиб бормоқда. Интернет тармоғи фойдаланувчилари сонининг кундан-кунга кўпаяётгани ҳисобга олинса, қурилма тез орада оммалашади. Технологияни яратиш мақсадида кузатув камераси ишлаб чиқарувчи «Ring», «Skybell», шунингдек, «Foobot», «Automatic», масофавий бошқарув имкониятини берувчи қурилмаларга ихтисослашган «Garageio» компаниялари билан ҳамкорлик қилинди. Бунда овозли бошқарувни ўрнатиш учун «Roger» иловасидан фойдаланиш кутилмоқда.

Қурилма орқали метеорологик хизматлар ҳам тақриф этилади. Бунда очик қолган ҳудудлар, хусусан, ёмғирда қолган гараж автоматик бошқарув асосида ёпилади.

ДЕПРЕССИЯ САБАБЛАРИДАН БИРИ

Инсон депрессияга тушганда руҳшунос билан бирга бошқа шифокорларга ҳам мурожаат қилиши лозим. Кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, ҳардамхаёлиқнинг юзага келиши моддалар алмашинувига бевосита боғлиқ бўлиши мумкин, деб ёзади «American Journal of Psychiatry».

Питтсбург университетининг бир гуруҳ олимлари ўтказган тадқиқот натижасида депрессиянинг ривожланишида жисмоний ўзгаришларнинг ҳам муҳим аҳамиятга эга экани маълум бўлди. Мутахассислар мазкур касалликни 15 фоиз ҳолатда анъанавий дори-дармонлар билан даволашнинг имкони йўқлигини ўрганди ва бунда моддалар алмашинувнинг аҳамиятига ҳам эътибор қаратилди. Бунда амалий тажрибаларнинг бирида беморнинг орқа миёсида биопротеиннинг танқислиги маълум эди. Оксил нейротрансмиттер гормонларининг ҳосил бўлишида иштирок этиб, бош миё фаолиятига кучли таъсир ўтказиши мумкин. Бемордаги мазкур муаммо бартараф этилганда у депрессия жараёнидан аста-секин халос бўлган.




Олимлар кучли тушқунликка тушиб, руҳиятдаги ўзгаришлар вақтида метаболизм жараёнини назорат қилишни тавсия қилмоқда. Хусусан, тадқиқотларда депрессиядан халос бўлиш учун спорт билан шуғулланиш яхши самара бериши аниқланган эди.



**«WATSON»
СУПЕРКОМПЬЮТЕРИ
САРАТОНГА ТАШХИС ҚЎЯДИ**

«IBM» компанияси Хитойда «Watson» суперкомпьютерлари учун плацдарм яратгани ҳақида маълум қилди. Мазкур қурилмалардан саратонга ташхис қўйиш ва даволаш мақсадида фойдаланилади, деб ёзади «Hi-News».



Онкологик тадқиқотларга кўра, Хитойда 1,4 миллиард аҳоли мазкур муаммодан азият чекмоқда. «IBM» эса суперкомпьютер ёрдамида уларга ёрдам беришни режалаштирган. Бунда компания ва «Hangzhou CognitiveCare» компанияси 21та касалхона билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Тизим орқали ташхис қўйиш тезлашади ва даволаш борасида ҳам имкониятлар кенгайди. Маълумотларга кўра, мамлакатда ҳар йили саратон билан боғлиқ 2,8 миллион ўлим ҳолати кузатилади, ҳар кун эса 12 минг хитойлик касаллик туфайли шикоят қилади. Мазкур хасталикка чалиниш хавфи бу ҳудудда юқори экани ҳисобга олинса, компьютер орқали ташхис қўйиш яхши самара бериши мумкин. Бунда қурилма хотираси саратон билан боғлиқ янги маълумотлар билан тўлдириб борилиши зарур. Айни вақтда 150 миллион саҳифали тиббий маълумотлар хотирага жойлаштирилди.

Компания Хитойда 30 йилдан бери фаолият олиб бораётган бўлса-да, мамлакатда саратонни даволаш учун илк мартаба тадқиқот ўтказилди. «Watson» суперкомпьютери эса касалликка тез ташхис қўйиши амалиётда синаб кўрилмоқда.

КЕКСАЙИШ МУАММОСИ АВЖ ОЛАДИ

Сўнгги йилларда Европа мамлакатлари, Канада ва Японияда аҳолининг кексайиши билан боғлиқ муаммо авж олган. «МедВести» манбасида келтирилишича, 2016 йилда ҳам ҳолат шу тарзда давом этади.

Тадқиқотлардан келиб чиқиб муаммога тиббиётда эришилаётган ютуқлар инсонларнинг узоқ умр кўришига сабаб бўлаётгани ва турли омилар фарзанд кўришга бўлган хоҳишнинг сўнишига олиб келаётган асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Хусусан, Осий мамлакатларида ҳар бир оила ўртacha 2 нафар фарзандни вояга етказаятгани, Европа оилалари эса 1 нафар фарзанд билан қифояланиб қолаётгани аниқланган. Бундай демографик муаммо, айниқса, Япония, Франция, Италия, Германия каби мамлакатларга хавф солмоқда. Тахминларга кўра, 2030 йилга қадар Россия, Арманистон, Хитой ҳам мазкур рўйхатдан ўрин олиши мумкин. Африка давлатларида эса ижобий ҳолат кузатилиши кутилмоқда. Чунки қитъада аҳолининг кўпайиш кўрсаткичи юқори.



Олимлар 2075 йилгача сайёра аҳолисининг сони 10 миллиардга етишини тахмин қилмоқда. Агар туғилиш ва ўлим кўрсаткичи шу зайдда қолса, бола-лар ва кекса ёшли инсонларнинг нисбатида катта тафовут юзага келади.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ
2016 йил 22 сентябрь куни бошлангич нархи боларқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր кўчаси, 109-«А» уйда жойлашган «RADIOALOQA, RADIOESHITIRISH VA TELEVIDENIE MARKAZI» ДУК балансидаги 1995 й. и/ч, д/р 01/884 GBA, бошлангич нархи 3 299 200,0 сўм бўлган «BA3-2104» русумли; Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турун кўчаси, 56-уйда жойлашган «TASHKENT PALACE NEW» МЧЖ балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/269 VAA, бошлангич нархи 16 050 000,0 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Абдуллаева кўчаси, 3«А»-уйда жойлашган, «Улуғбек номидаги Тошкент халқаро мактаби» НТМ балансидаги 2011 й. и/ч, д/р 01/713 NBA, бошлангич нархи 31 212 311,0 сўм бўлган «Нексия Донс» русумли автомобилотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий шик кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат **18:00**да тўхтаилади.

Савдоларда катнашиш учун бошлангич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохтоў филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо фолгибга савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқоридa белги-ланган савдо кунидa сотилмаган тақдирда, улар бўлиш тақрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш бил-

дирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи таш-килотларнинг юқоридa кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат **15:00**да бошланади ва кўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали), Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2016 йил 4 ва 11 август кунлари ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди балансидаги д/р 01/205 RCA бўлган «Форд Транзит» — 33 000 000 сўмга; Тошкент вилояти Қийрай тумани Қишлоқ ва сув ҳўжали-ги бўлими балансидаги д/р 10/702 GAA бўлган «Нексия ДЭУ» — 13 700 000 сўмга; унитар корхона шаклидаги «OZBEKINVEST ASSISTANS» сервис агентлиги баланси-даги д/р 01/368 MBA бўлган «Нексия» — 9 100 000 сўмга; «HUQUQ VA BURCH» ижтимоий-ҳўқуқий журна-ли балансидаги д/р 01/203 LAA бўлган «Нексия S—150» — 25 000 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказлашган автобазаси балансидаги д/р 01/029 EBA бўлган «Дамас» — 9 300 000 сўмга; д/р 01/031 EBA бўлган «ГАЗ-31023» — 2 600 000 сўмга; д/р 01/032 VBA бўлган «ГАЗ-310230» — 4 800 000 сўмга; Тошкент дав-лат техника университети балансидаги д/р 01/912 VBA бўлган «Дамас» — 5 000 000 сўмга сотилганлиги ҳамда ушбу университетнинг 2016 йил 18 августдаги 05/179-сонли хатига асосан д/р 01/914 VBA бўлган «KAB3-685» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

**ЯХШИЛИК
ҚИЛАМАН ДЕБ...**

Яқинда кўп қаватли уйлар ҳовлисида бир му-нозаранинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл ён-атрофни супуриб, ахлат уюмларини ёқиб юборапти. Иккинчи қаватдаги аёл эса ахлатни унинг хо-надони рўпарасига тўплагани учун уни бироз койида-да, кўявермайлигим, керак бўлса ўзла-ри олиб кетишади, сизга нима супуриб, деб ўз фикрини билдирди. Айримлар биринчи аёзларнинг ишини савобга йўйиб маъқуллашди, баъзилар эса иккинчи аёлнинг гапини...

Лекин ахлат уюмининг тутуни атрофни заҳарла-ётганига ҳеч ким эътибор бермади. Тозаликка риоя қилиш яхши одат, қолаверса, биринчи аёл айтга-нидек, савобга қаршилигимиз йўқ, албатта. Лекин савоб ишни охиригача қилиш савобнинг шартлари-дан бири эканлигини ҳам унутмаслик керак. Яхши-лик қиламиз деб, ноҳуш ҳолатларга сабаб бўлиб қолмайсизми? Чикиндиларнинг остидаги ёнмай қол-ган жойлар узоқ вақт тутаб ётса атроф-муҳит, та-биат зарар кўрмайдими? Энг ачинарлиси, инсон-лар саломатлигига путур етмайдими?

Хуллас, саволлар кўп. Уларнинг жавоби эса ўзи-мизга боғлиқ. Бу фақатгина ёнгин хавфсизлиги ҳиз-мати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, ҳар бир фуқаронинг кўндалик бурчиға айланмоғи, бу борада катталар намуна бўлмоғи зарур. Ана шунда-гина осмонимиз мусаффолиги, табиатнинг бетак-ворлигини сақлашга улуш қўшган бўламыз.

Зоир АКБАРОВ,
12-ХЕҲО 12-ХЕҲ пости
смена бошлиғи, капитан

Илмдан нажот излаб...



Oramizdagi odamlar

Сурхондарё вилояти-нинг Бойсун туманида зийли оиласида таваллуд толган Эшбой Турдикулов болалигидан ҳаётнинг аччиқ қисмати-ни бошидан кечирди. Отаси Отакул ака кўнгиллилар қаторида иккинчи жаҳон урушига отланиб, 1944 йили жангларда



ҳалок бўлди. Оила бошига тушган бу фожиадан сўнг 7 нафар фарзандни тарбиялаш, оёққа турғизиш онаси Икким аянинг зиммасига тушди. Бахтли болалигидан маҳрум бўлган фарзандлар, жумладан Эшбой ҳам ёшлигидан тиришқоқ, масъулиятли ҳамда ҳар қандай қийинчиликни ҳам сабот билан енгиб ўтишга қодир бўлиб улғайишди. Ҳаётнинг бешавқат синовларига қарамасдан, Э.Турдикулов ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет)нинг физика-математика факультетида тахсилни давом эттирди. Олий маълумотга эга бўлган ёш мутахассиснинг илк фаолиятини Сурхондарё вилоят ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бошлагани ҳам унинг илмий салоҳияти юқори бўлганидан дарак беради.

Эшбой ака 1967 йилдан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТда ўз фаолиятини давом эттириб, шу билан бирга сиртки аспирантурада илмий изланишларини бошлаб юборди. Самарали илмий фаолияти, меҳнатлари натижасида педагогика фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори илмий даражасига эришди. Устоз мактабда физика, экологияни ўқитиш, ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш муаммоларига бағишланган ўттизга яқин монография, методик қўлланма, уч юзга яқин илмий-услубий мақолалар муаллифи. "Глобал экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияси", "Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларда барқарор экологик маданиятни ривожлантириш" сингари рисоаларини чоп эттирди. Унинг раҳбарлигида 23 нафар фан номзоди етишиб чикди. Айни кунда 20 нафар мустақил тадқиқотчи илмий маслаҳатчи сифатида йўл-йўриқлар кўрсатиб келмоқда.

Э.Турдикулов қаерда, қандай лавозимда иш-ламасин, ўз фаолиятини амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борган олимлардан. Бунга унинг узок йиллар давомида Тошкент шаҳридаги 115-мактабда физикадан дарс берганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Устознинг таълим-тарбия соҳаси ривожига, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини қарор топтириш, юксалтириш ишига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирланди.

Комил МУХАММАДИЕВ,
Тошкент темир йўл транспорт
муҳандислари институти ўқитувчиси

Мадрим ака бололигиданок мактаб машғулотлари, уй ва дала юмушларидан бўшаган чоғи китоб ўқишга одатланди. Қишлоқ кутубхонасидаги барча бадиий китобларни ўқиб чикди. Бир кун Тошхувуз шаҳридаги китоб дўконидан Ф.Ғоноболнинг «Ўқитувчи ҳақида қисса» китобини сотиб олди. Уни бошдан-оёқ ўқиб чикди. Ўша кундан эътиборан ўспириннинг ўқитувчилик касбига меҳри орта бошлади. Умумий ўрта мактабни битирган йиллик Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабаси бўлди.

Институтида яхши ўқиди, устозлари меҳрини қозонди. Битирув дипломи иши мавзуси — **лик** кўшимчасининг хусусиятларига бағишланганининг ўзиёқ унинг тил бирликлари таҳлилга нақадар чуқур ва илмий ёндашганидан далолат беради. Мадрим аканинг илмий раҳбари, филология фанлари доктори, профессор Мазлума Аскарлова ўз шоғирдларига «Тадқиқот ишига кенг қаровли мавзу эмас, балки биринчи қарашда кичик кўринадиган мавзунини танлаб, уни чуқур тадқиқ қилиш зарур», дея таъкидлашдан чарчамасди. Ана шу маслаҳатга амал қилган М. Ҳамроев номзодлик диссертациясига «Ҳозирги замон ўзбек тилидаги кўрсатиш оломушларининг функционал-семан-



тик хусусиятлари» деган мавзунини танлади. Ўзбек тилида асосий кўрсатиш оломушлари бор-йўғи бешта: **бу, у, шу, ўша, ушбу**. У 1997 йили номзодлик диссертациясини муваффақият билан химоя қилди...

Камтарин устоз камоли

Домла 1988 йилдан буён битта кафедрада — «Бошланғич таълим методикаси» кафедрасида ишлаб келаяпти. Ишлаганда ҳам махсусдор ишляпти: битта дарслик, 10 дан ортиқ ўқув кўланма, 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, «Она тили ва адабиёт» ҳамда «Она тили ва болалар адабиёти» номли ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳаммуаллифи. Бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларини яратишда фаол қатнашди. Бир неча йиллардан бери кафедра қошида ташкил этилган «Ёш тилшунос» илмий тўғарага раҳбарлик қилиб келаётди. 2014 йили мазкур тўғара иштирокчиси Ирода Обидова ўзбек тили ва адабиёти бўйича республика фан олимпиадаси ғолиби бўлди.

Жонкуяр устоз илмий-педагогик фаолиятининг бир йўналиши олий ўқув юртига кирувчилар учун ўқув кўланмалари яратишдир. Бир қарганда, бу соҳа иккинчи даражалига ўхшайди, лекин университетимиз талабалари, хатто бошқа олий таълим муас-

сасаларида ўқитганлар домла Ҳамроевни кўриш ва унга абиюриентларга мўлжаллаб чиқарган китоблари учун ўз миннатдорликларини изҳор қилиш мақсадига атайлаб келганларини кўриб устознинг катта аҳамиятга эга ишни амалга ошираётганига амин бўласиз.

Домла ҳаётда жуда камтар ин-

сон. Фарзандлари отасининг издоши. Қизи — Умидаҳон Ҳамроева Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида катта ўқитувчи. Ўғли — физика-математика фанлари номзоди Муроджон Ҳамроев Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида талабаларга дарс беради. Турмуш ўртоғи — Светлана Абдуллаева мактабгача таълим бўйича мутахассис.

Хуллас, фан, таълим ва тарбия сергайрат устоз, фидойи олимнинг қисматига айланганига бугун заррача шубҳа йўқ. Домланинг ҳаёти мисолида ўққаним бир ҳикмат шундан иборатки, инсон чинакам илмга қандай сadoqat билан хизмат қилса, илм ҳам ўз навбатида худди шундай муҳаббат билан унга жавоб берад экан.

Маманазар ЖУМАЕВ,
Низоми номидаги Тошкент
давлат педагогика
университети «Бошланғич
таълим методикаси»
кафедраси ўқитувчиси

Юракка яқин соз

Най қадимий ва кўҳна чолғулардан бири. Халқимиз томонидан аслра оша севиб тингланиб келинмоқда. Юртимиз мусиқа санъати тарихида най ижрочилигининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган мохир созандалар — Абдуқодир Исмоилов, Юнус Ражабий, Толибқон Содиков, Аюбжон Қодиров номларини фахр билан тилга оламиз.

Бугун ҳам най ижрочилигидан ёшларга сабоқ бериб келаётган фидойи ўқитувчиларимиз кўпчиликни ташкил этади. Қарши санъат коллежининг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимида «Най» мутахассислиги бўйича узок йиллардан буён ёшларга тахсил бериб келаётган Фахриддин Раҳмонов ана шундай иқтидор эгаларидан бири.

Коллежда таълиб, Фахриддин Раҳмонов билан сўхбатлашганимизда у най чолғуси тарихи ва ушбу чолғуда бошланғич ўқитиш услубиятлари ҳақида гапириб берди.
— Найсимон чолғулар кўпчилик

халқларнинг сеvimли созларидан, — дейди у. — Ушбу миллий чолғумиз Марказий Осиёда ҳамда қатор Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Масалан, най — қозоқларда «Сибизга», Озарбойжонда «Ней», вьетнамликларда «Сао», қўшни тожикларда «Тутек», Арманистонда «Ду-дук» номи билан машҳур.

Най бир бўлак махсус ёғочдан, гаровдан, мис ва бронзадан ясалади. Бугунги кунда кичик най, яъни «Пиколло» сози ҳам оркестр ва ансамбль жамоалари ижрочилигида кенг қўлланилмоқда. Бир хил чалиш имкониятига хос «Пиколло» оддий (катта) найга ўхшаш, лекин оралиги ва узунлиги ўзгача бўлиб, унда товуш лаб йўналиши билан пуфлаб ҳосил этилади. Бу асосий ижрочилик воситаси ҳисобланади. Чамаси 32–34 сантиметр узунликда найчадан ясалган катта найда еттита ўйилган тешикча мавжуд. Битта тешикча сознинг юқори қисмида, қолгани эса сознинг пастки қисмида жойлашган. Улар ўнг ва

чап қўл бармоқлари билан очиб ёпилиши натижасида муайян ба-ландликдаги парда товушлари яра-лади.

Товушнинг ёқимли, тинкилиги ва талаффуз тозаллиги лаб юргизиш ҳаракатига боғлиқ. Ўқувчиларга най чалишни ўргатишнинг бошланғич жараёнида бу кўрсатмага алоҳида аҳамият бериш зарур. Тиниқ ва мусаффо товушга эришиш учун ирода нафақа аҳамият бериш мақсадга мувофиқ.

Фахриддин Раҳмоновнинг устозлик сабоқлари, тинимсиз изланишлари эвазига шоғирдлари мамлакатимизда бўлиб ўтаётган турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, 2015 йили коллежининг 1-босқич ўқувчиси И.Каримов, 3-босқич ўқувчиси М.Саломов «Созлар навоси» халқ чолғулари ижрочилари республика танловида 3-даражали диплом билан тақдирландилар.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Ўрناق олса арзийдиган инсон эди



Yaxshilar yodi

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ҳар гал улар номини тилга олганда кўз олдин-гизда умрини илму маърифатга, ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган, меҳридарё, баргикенг инсон сиймоси гавдаланади. Устоз педагог, ташкилотчи раҳбар Сулаймон Қаршиев шундай инсонлар тоифасига мансуб эди. Унинг бутун фаолияти, хусусан, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ва-зифасида ишлаган йиллари

кўпчиликнинг ёдида қолган.

Бу гапларни ишонч билан айтишимга сабаб, йигирма йил бирга ишлаб, Сулаймон Қаршиевнинг фидойи, соҳага жонкуяр, малакали педагог кадрларни тайёрлашга доим интилувчан инсонлигига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Устоз узукун шинам хонасида ўтиришни унча хушламас, аксинча, туманларга тез-тез чиқиб, қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларининг фаолияти билан танишишни

маъқул кўрарди. Мактаб директорларига керакли маслаҳатлар бериб, амалий ёрдам кўрсатарди.

Сулаймон Қаршиев вилоят халқ таълими бошқармасида 19 йил фаолият кўрсатди. Ўша йиллари у ёш педагог ва мутахассисларга методик ёрдам кўрсатиш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. Мактаблар қошида махсус жиҳозланган устaxonалар, кийим тикиши, тиббий

хизмат хоналари, дала ва чорвачилик гуруҳлари ташкил этилди.

Устоз педагог нафақага чиққандан кейин ҳам жомат ишларида фаол иштирок этди. Жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамағатининг вилоят филиалини бошқариш давомида ёш авлод камолоти йўлида кўплаб хайрли ишлар қилди. Фидойи инсон Сулаймон Қаршиев қаерда ишлаган, ўзининг ташкилотчилигини намо-

ён этди. Унинг таълим соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони билан тақдирланди.


Устоз ҳаёт бўлганида бу йил 90 ёшга қаршилаган бўларди. Айни пайтда у бошлаган ишларни фарзандлари, шоғирдлари давом эттираётди.

Абдурахмон КОДИРОВ,
меҳнат фахрийси

2016-yil 20-avgust, № 67 (8924)



Спортчиларимиз янги марралар сари интиломқда



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шахрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпия уйинларида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда. Айниқса, боксчиларимиз ўз ютуқлари билан спорт делегациямизнинг бошқа аъзоларига намуна бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига қизгин тарафдуд кўрилаётган айни кунларда ўзбекистонлик чарм қўлқоп соҳиблари Шахрам Гиёсов ҳамда Муроджон Аҳмадалиев кумуш ва бронза медаллари кўлга киритгани юртдошларимизни янада қувонтирди.

Нуфузли мусобақанинг бокс бўйича вази 69 килограмгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашган иктидорли боксчимиз Ш.Гиёсовдан кўпчилик олтин медал кутганди. Боиси у мусобақа давомиде испаниялик Йоуба Ндьез Сиссоко, литвалек Эймантас Станионис, чорак финалда Лондон Олимпиадаси ғолиби, кубалик Рониель Иглесиас, ярим финалда эса амалдаги жаҳон чемпиони марокшаллик Муҳаммад Рабини енгганди. Албатта, бундай кучли рақибларни доғда қолдирган, айниқса, Куба бокс мактаби вакилини медалсиз қолдирган спортчимизнинг финалда ҳам галаба қозониши кутилаётганди. Бироқ якунда ҳакамларнинг қарорига кўра, Шахрамга «Рио-2016»нинг кумуш медалга насиб қилди. Шундай бўлса-да, тақдирлаш маросимида томошабинлар олтин медал берилган спортчидан кўра кўпроқ бизнинг вакилимизни олишди. Бундан ташқари, Ш.Гиёсовнинг хатти-ҳаракатларини синчиқлаб қузатган халқаро экспертлар ҳам «бу кумуш эмас, олтин, деб айтишди.

— Бу мен қатнашган биринчи Олимпия уйинлари, — деди Шахрам Гиёсов. — Фаолиятимдаги ilk олимпиадада кумуш медал соҳиби бўлганимдан жуда хурсандман. Барчангиз гувоҳи бўлганингиздек, финалгача ўта жиддий рақиблар билан муштлашдим. Жумладан, чорак финалдаги жанг жуда оғир кечди. Аслида бундай нуфузли мусобақада кучсиз рақиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, рақибларимнинг номию унвонларига эътибор бермай, совринли ўрин учун курашдим, она Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига

совға ҳозирлаганимдан шодман. Фурсатдан фойдаланиб, бизга шароит яратиб берган, қўллаб-қувватлаган жонажон халқимиз ва фидойи Президентимизга, ота-онам, устозларимга миннатдорлик билдираман.

Вази 56 килограмгача бўлган боксчилар ўртасида ярим финалга чиққан юртдошимиз, нокаутчи боксчимиз Муроджон Аҳмадалиев финал йўлланмаси учун кечган учрашувда Лондон олимпиадаси ғолиби, кубалик Рониель Иглесиас, ярим финалда эса амалдаги жаҳон чемпиони марокшаллик Муҳаммад Рабини енгганди. Албатта, бундай кучли рақибларни доғда қолдирган, айниқса, Куба бокс мактаби вакилини медалсиз қолдирган спортчимизнинг финалда ҳам галаба қозониши кутилаётганди. Бироқ якунда ҳакамларнинг қарорига кўра, Шахрамга «Рио-2016»нинг кумуш медалга насиб қилди. Шундай бўлса-да, тақдирлаш маросимида томошабинлар олтин медал берилган спортчидан кўра кўпроқ бизнинг вакилимизни олишди. Бундан ташқари, Ш.Гиёсовнинг хатти-ҳаракатларини синчиқлаб қузатган халқаро экспертлар ҳам «бу кумуш эмас, олтин, деб айтишди.

75 килограмгача вази тоифасида олтин медал учун жанг қилаётган маҳоратли спортчимиз, ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, катталар ўртасида Осиё, Жаҳон вице-чемпиони Бектемир Мелиқўзиев ярим финал баҳсида мексикалик Мисаэл Родригесни 3:0 ҳисобида енгиб, финалга чиқди. Бу ўзбек олимпия чемпионлари яна биттага кўнайиши мумкин, дегани. Бунинг учун Бектемир бугун ўтказиладиган ҳал қилувчи баҳсда кубалик Арлен Лопесдан ҳам устун келиши керак, ҳолос. Эсингизда бўлса, Бектемир Мелиқўзиев 2015 йили Қатар пойтахти Дохада ўтган жаҳон чемпионати финалида ҳам айнан Арленга рўбарў келган, бироқ омадсизлик эвазига мағлуб бўлганди. Бектемирда энди реванш олиш имконияти тугилмоқда. У бу сафар юртдошларимизни олтин медал билан хушнуд эттишига ишонамиз.

52 килограмгача бўлган боксчилар баҳсида қатнашаётган тажрибали спортчимиз Шаҳобиддин Зоиров озарбойжонлик Элвин

Мамишодани енгиб, мусобақанинг ярим финалига чиқди. Эътиборлиси, Элвин амалдаги жаҳон чемпиони сифатида ушбу вази тоифасида биринчи рақам остида сараланганди. Бироқ унчага Ирландия ва АҚШ терма жамоалари аъзоларини мағлуб этган Шаҳобиддин ярим финал йўлланмаси учун кечган муштлашувда ҳам бўш келмади ва кетма-кет ҳужум қилиб, Элвинни медаллардан маҳрум қилди. Ш.Зоиров кеча финал йўлланмаси учун венесуэлик Сегундо Финолга қарши рингга чиқди.

Ғолиблик учун курашаётган яна бир иктидорли боксчимиз, 64 кг вази соҳиби Фаэлиддин Ғоипназаров, хабарингиз бор, чорак финал тўсиғидан омадли ўтиб олганди. У кеча россиялик Виталий Дунайцев билан финал йўлланмаси учун куч синашди.

Бундан ташқари, «Рио-2016»да енгил атлетика дастуридан ўрин олган баландликка сакраш бўйича кимиўзарларнинг саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда тажрибали спортчимиз Светлана Радзивиц ва Надия Дусанова иштирок этди. Светлана саралашда 1,94 метрлик баландликни забт этиб, финалга чиқди. Надия эса бу борада омадсизликка учраб, олимпиада билан хайрлашди. Радзивиц эртага сакраш бахсларининг финал босқичида медаллар учун курашни давом эттирди.

Кеча 1000 метрга каноэда эшак эшиш бўйича жуфтлик Герасим Кочев ва Серик Мирбеков, эркин курашчиларимиз Аббос Раҳмонов, Бекзод Абдураҳмонов, бадмин гимнастикачимиз Анастасия Сердюкова, таэквондочиларимиз Нигора Турсунқуллова, Никита Рафалович ҳам мусобақаларда қатнашди.

Зоҳиджон ХОЛОВ



ЖОЗЕ ШОГИРДЛАРИНИ РУХЛАНТИРДИ

«Манчестер Юнайтед» клуби бош мураббийи Жозе Моуринью жамоанинг янги аъзолари Златан Ибрагимович ҳамда Поль Погба ҳақида илиқ фикрлар билдирди, дея хабар берди «Спорт».

— Златаннинг жуда хурсанд эканини кўриб турибман, — деган у. — Мен ҳар кун у билан худди ўз болаларим, оилам билан қизиққандек қизиқаяпман. Ҳаммасидан кўнглим тўқ. Унда ишонини қийин бўлган иштиёқ бор, яна икки йил биз билан қолишига шубҳам йўқ.

Жозе «Лестер»га қарши Англия суперкубоги ўтказилган матчдан сўнг Поль Погба ҳақида ҳам яхши гаплар айтган: «У 10-11 кундан буён биз билан шуғулланыпти, унинг жамоага мослашиши осон кечмоқда. Боиси бу ердаги болалар унинг эски қадрлонлари. Полнинг клубга мослашиши учун ортиқча вақт шарт эмас, шунчаки 90 дақиқа ўйнашга тайёргарлик кўриши лозим».

САККИЗИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛЬ

Ямайкалик спринтер Хусайн Болт Рио-де-Жанейрода ўтаётган олимпиаданинг 200 метрга югуринч баҳсларида галаба қозониб, фаолиятидаги саккизинчи олимпиада олтин медалига эга бўлгани ҳақида «Eurosport»да ёзилди.

Болт финал баҳсида маррага 19,78 сонияда етиб келди. Кумуш медал каналалик спринтер Андре де Грассега насиб қилди. У 20,02 сонияда финиш чизигини босиб ўтди. Кучли учликдан франциялик Кристоф Лемэтр (920,12 сония) жой олди.

Бироз олдин Хусайн 100 метрга югуринч бўйича ҳам олтин медалга (9,81 сония) сазовор бўлганди. Шунингдек, у Пекин (2008) ва Лондон (2012) олимпиадаларида бта олтин медални кўлга киритган.

НОМАЪЛУМ МУДДАТГА ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Жаҳон боксчилар кенгаши (WBC) россиялик боксчи Александр Поветкиннинг тақиқланган модада истеъмол қилганини аниқлашга, уни номаълум муддатга профессионал спортдан четлатди.

«ТАСС»да келтирилишича, Поветкин боксга оид фаолият турларидан дисквалификация қилинди ҳамда жаҳон чемпионлиги камари учун даввогарлик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Поветкин 21 майда Москва шахрида америкалик Деонтей Уайлдерга қарши ўтказилиши режалаштирилган жангда рингга чиқиши лозим эди. Бироқ 13 майда ўтказилган допинг текширувида Поветкиннинг организмда мельдоний борлиги аниқланган.

ХАЙРИЯ ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Дунёиёқ биринчи рақамли ракеткачиси, сербиялик Новак Жокевич Милан шахрида бўлиб ўтадиган уч кунлик хайрия турнирида қатнашишга рози бўлди, дея хабар берди «ТАСС».

20—22 сентябрь кунлари ташкил этиладиган мазкур тадбирда Новакдан ташқари, Серена Уильямс, Флавия Пеннетта, Фабио Фоньини, Рафаэль Надаль иштирок этади. Маълум бўлишича, Серена Пеннеттага қарши, Новак эса Рафаэлга қарши корта чиқади. Микст баҳсларида Жокевич ва Пеннетта жуфтлиги Уильямс ва Фабио Фоньини билан куч синашади. Мазкур тадбир ташкилотчиларидан бири дизайнер Жоржи Арманидир.

НОХУШ АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

Бразилияда ўтаётган ёзги олимпия уйинларида Туркменистон спорт делегацияси ўз иштирокини яқунлади. Энг ачинарлиси, туркман спортчилари Жанубий Америкадан медалсиз қайтишга мажбур бўлмоқда.

«Рио-2016» расмий сайтида ёзилишича, улар бирорта медални кўлга киритолмас-да, иккита миллион рекорд ўрнатилганга эришган. Олимпиадада Туркменистондан 9 нафар атлет дзюдо, оғир атлетика, енгил атлетика, бокс ва сузиш бўйича ўз имкониятини синиб кўрди. Уларнинг орасида энг яхши натижа боксчи Арслонбек Очилов ва оғир атлетикачи Гулнабат Қодировага тегишли.

Туркменистон спортчилари 1996 йилдан буён олимпиадаларда мунтазам қатнашади, аммо ўтган вақт мобайнида бирорта ҳам медалга ютмаган.

Н.ЭРМАТОВА тайёрлади.

Байрамга муносиб совға

Яқинда Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шахрида 64 ва 100 катали шашка бўйича турли ёшдаги спортчилар ўртасида навбатдаги Осиё чемпиони бўлиб ўтди. Қитъамизнинг турли мамлакатларидан келган иктидор эгалари ғолиблик учун кураш олиб борган турнирда мамлакатимиз шарафини Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидан 7 нафар спортчимиз ҳимоя қилди.

Осиё чемпионатида терма жамоамиз ажойиб натижа қайд этди. Бир неча йўналиш бўйича (классик, рапид, блиц) спортчиларимиз 18 бор шохсупага қўтарилди. Жумладан, Лазиз Муралиев, Озодбек Ўрмоналиев, Бобур Донабоев, Васфия Бердиқуллова, Шаҳзода Турсунмуротова, Самандар Каланов ва уларнинг мураббийи, халқаро гроссмейстер Алишер Ортиқов умумжамоа ҳисобига жами 8 олтин, 5 кумуш ва 5 бронза медал келтирди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон шашка федерацияси томонидан яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган спортчиларимизга ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига муносиб совға тайёрлашди.

Энди шашкачиларимиз Болгариянинг Кранево шахри мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида ҳам ушбу муваффақиятни давом эттиришмоқчи.

Кейинги йилларда шашкага бўлган эътибор ҳам кучайди. Ёш спортчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида кўлга киритаётган ютуқлар кўнайиб бормоқда. Қолаверса, таълим муассасаларида шашка тўғрарили ишлаб тургани, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг «Биз ақли-идроқли оиламиз» широри остида ўтказиб келаётган шахмат-шашка бўйича оилавий мусобақалар ҳам мазкур спорт тури оммавийлашувига туртки бўлмоқда.

Энг қувонарлиси, вакилларимиз Улан-Батор шахрида эришган ютуғи Осиё Шашка конфедерацияси ташкили қўмитаси томонидан эътироф этилди. Турнир якунларига бағишланган йиғилишда 2017 йилги Осиё чемпиони пойтахтимиз Тошкент шахрида ўтказилиши таклифи бир овоздан маъқулланди.

Эркин УМАРОВ,
олий тоифали мураббий,
Ўзбекистон Шашка федерацияси бош котиби

Асрий анъаналар мужассам маскан



(Давоми. Боши 11-бетда)

— Мис буюмлар асосан XIX-XX асрларда етти хил металл эритмасидан тайёрланган. Мис идишлар тури, кўриниши, техник жиҳатдан ишланишига қараб Бухоро, Самарқанд, Кўкон, Тошкент, Марғилон, Қарши мактабларини ўзида мужассам этади. Музей захирасида 200дан ортик турли мақсадларда ишлатилган мис идишлар — баркаш, дастшўй, кашкул, қозон, чой идиш, қумфон, сатил каби рўзгор буюмлари бор. Ажойиб идиш — нон-сатил нон ва пиширқични сақловчи восита бўлганини томошабинларга гапириб берамиз. Дайниқса, тўй-маърака, хайит ва байрам учун кўп миқдорда пишириладиган пиширқични ана шу идишда сақлаш қўлай бўлган. Новвот, холва, мураббо ва нишолда каби қандолатчилик маҳсулотлари мис қозонларда тайёрланган. Мева-чева, сут-қатик сақланувчи жом, думалоқ қилиб ишланган қопқоқли яхоб — шарбат ва салқин ичимлик идиши кундалик турмушда кенг қўлланилган. Сув ташиладиган ва қайнатиладиган мис идиш сирти қалай қопламаси билан сирланиб, маҳсулотни оксидланиш жараёнидан ҳимоя қилган.

Музейга юрtdoshларимиз қатори чет эллик меҳмонлар ҳам тез-тез ташриф буюриб туради. Улар асосан қўл меҳнати ёрдами яратилган буюмлар — кашталарга қизиқишади, халқимизнинг қўл меҳнати уларга мўъжиза бўлиб туюлади. Амалий санъат билан шуғулланаётган ўзбек ёшларининг музейга қадам ранжида этиб, тадқиқот олиб бориши эса анъаналаримиз боқийлигидан далolat беради.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“Ma'rifat” мухбири



Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, сан ва madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муharrир Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-824. Tiraji 35610.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



4 772 010 641009

«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Ў'ZA yakuni — 20.45 Topshirildi — 21.50

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Timur KAYSAROV, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.